АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 30 ИЮЛ сешанба № 30 (286) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ:

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Япония дунёдаги тараққий топган давлатлардан бири ҳисобланади. Япония кўплаб соҳалар, айниқса, замонавий технологияларни жорий этиш борасида етакчи мамлакатдир. Шу боис кунчиқар юрт билан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳамкорлик улкан манфаатдорликка эга. Ўзбекистоннинг Япония билан ўрнатган муносабатлари ҳам шу асосга қурилган. Япония ҳукуматининг таклифига биноан Президентимиз Ислом Каримовнинг кунчиқар юртга ташрифи ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи муҳим паллага кирган дамда амалга ошаётгани билан аҳамиятлидир.



Ўзбек ва япон халқлари алоқалари Буюк Ипак йўли каби узоқ ўтмишга эга. Ўзаро муносабатлар тарихи Мағриб ва Машриқ халқларини боғлаган карвон йўли ўтмиши билан бўйлашади.

Истиқлол йилларида эса ўзаро муносабатлар янги ривожланиш палласига кирди. Шундан буён нафақат иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик, шу билан бирга, ўзаро дўстона алоқалар ҳам муттасил кенгайиб бораётир. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликда бир жиҳат алоҳида эътиборни тортади. Гап шундаки, 1991 йилдаёқ Япония мамлакатимиз мустақиллигини тан олган ва 1992 йилда ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлса-да, кейинги уч йил (2000-2002 йил)ларда ҳамкорлигимиз чинакамига кенгайиш ва мустаҳкамланиш даврига кирди.

Бунинг сабабини Япония расмий вакиллари 1995-1999 йиллар оралиғида Жанубий — Шарқий Осиё мамлакатлари, хусусан, Япония иқтисодиётида юз берган молиявий танглик ва 2000 йилга келиб, Япония иқтисодиёти тўла оёққа тургани билан изоҳлашади. Шундан сўнг Япония Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйишга киришди. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, узоқни кўзлаган Япония Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ҳар тарафлама чуқур ўрганди. Кўп йиллик кузатувлар натижаси ўлароқ, минтақада ишончли шерик сифатида Ўзбекистонни танлади. Бугунги кунга қадар юртимиздаги барқарорлик ва осойишталик япон сармояси учун енг йўл очиб, унинг фойдалилиги ва хавфсизлигини кафолатлаб турибди. 1994 йилда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг кунчиқар давлатга ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига ғоят муҳим ҳисса қўшди. Ва ўша ташриф доирасида давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлган ҳужжатлар имзоланган эди.

Иқтисодий жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон бой табиий заҳираларга эга. Ушбу табиий бойликларни ишга солиб, улкан иқтисодий юксалишларга эришиш мумкин. Табиий заҳиралари кам, аммо юксак технологияларга эга Япония учун бундай мамлакат билан ҳамкорлик жуда фойдалидир.

Япония ташқи ишлар вазирлиги Янги мустақил давлатлар бошқармаси директор ўринбосари Цугуо Такашининг айтишича, Япония минтақамиз давлатларига нисбатан алоқаларини уч йўналишда амалга оширмоқда. Биринчи йўналиш – мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, учрашувларини ташкил этиш. Шу йўналиш самараси ўлароқ, олий даражадаги учрашувларда ўзаро икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари тобора кенгайиб бормоқда. Иккинчи йўналиш эса, Япониянинг Тараққиётга расмий ёрдам дастури доирасида заҳиралардан оқилона фойдаланишга қўмаклашишдан иборат. Бу дастур асосан JAICA ҳукумат ташкилоти орқали амалга оширилади.

Учинчи йўналиш эса минтақа давлатлари билан хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиш. Бу йўналиш Афғонистонда тезроқ барқарор ҳаётни изга тушириш, Ўзбекистон инфратузилмаси ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Афғонистонда тиклаш ишлари олиб боришни назарда тутади.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Япония томонидан телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ижроси учун эса 560 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли давлат кредитлари йўналтирилган. Умуман олганда, Япония шу кунгача Ўзбекистонга 1 миллиард 600 миллион АҚШ доллари ҳажмида маблағ ажратган. Бу кўрсаткич Япониянинг Ўзбекистонга сармоя киритаётган давлатлар орасида етакчилардан бири бўлишини таъминлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 15 га яқин Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили ўзбек-турк-япон "Чиноз тўқимачи ЛТД" қўшма корхонаси фаолият бошлаган бўлса, бу йил "Оқсарой тўқимачи ЛТД" ишга тушди.

Бундан ташқари, юртимизда Японияннинг 20 га яқин компания ва фирмасининг ваколатхоналари ишлаб турибди. Улар орасида Япония ташқи савдо ташкилоти – JETRO муҳим ўрин тутиб, у икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига сезиларли ҳисса қўшаяпти.

Ўзаро савдо ҳажми ўтган йили 170 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Агар савдо ҳажмининг йиллик ўсишига назар ташласак, 1998 йили 1,8 баравар ўсган бўлса, ўтган йили эса бу кўрсаткич қарийб 2 баравар кўпайди. Бироқ Японияннинг жаҳон иқтисодиётида иккинчи рақамли мамлакат ва Ўзбекистон фуқароларининг илмий салоҳияти юқорилиги ҳамда юртимизнинг табиий заҳираларга бой эканини ҳисобга олсак, бу кўрсаткичлар ҳар икки мамлакат салоҳияти ва имкониятлари даражасида эмас.

Шу боис ўзаро муносабатларнинг нафақат иқтисодий, шу билан бирга савдо, сармоявий, гуманитар жабҳаларини ҳам кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Мамлакатимиз Президентининг Японияга бошланган ташрифини айни зарурат тақозоси деб изоҳлаш жоиз.

Президентимиз Ислом Каримов сафар олдидан аэропортда берган интервьюсида таъкидлагани каби, ушбу ташриф ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Сафар асносида 14 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва компаниялар ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Булар орасида, айниқса, иккитаси муҳимдир. Биринчиси, Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йилнинг март ойида АҚШга тарихий сафари чоғида ҳам Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур ҳужжат Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилиб келди. Ушбу Декларация бундан кейин ҳам муносабатларга асос бўлиб, ҳамкорлик ривожида худди шундай ўрин тутаверади.

Энди стратегик шерикларимиз сафига Япония ҳам қўшилди. Президентимиз қайд этгани каби, **дунёнинг салоҳият жиҳатидан иккинчи мамлакати бўлган – Япония билан худди шунга ўхшаш стратегик алоқаларни йўлга қўйиш орқали ташқи сиёсатимиз, умуман, Ўзбекистон сиёсатини янги босқичга олиб чиқадиган, мамлакатимиз обрўси ва мавқеини қўшни республикаларга нисбатан бир қадар юксакка кўтарадиган қадам қўямиз, десак айни ҳақиқат бўлади.**

Ташриф чоғида имзоланадиган муҳим ҳужжатлардан яна бири Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотда. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, япониялик ишбилармонлар Ўзбекистонда йирик-йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган бир пайтда уларга рағбат бўлиш билан бирга, бошқа сармоядорларнинг ҳам юртимизга кириб келишига кенг йўл очади. Шунингдек, ушбу ҳужжат мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожини қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутади.

Дарҳақиқат, ўтган йили "Кейдзай Доюкай" корпоратив раҳбарлар уюшмаси делегацияси юртимизга ташрифи чоғида мамлакатимизда мавжуд воқеликни ўрганиб, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес соҳасига тўғридан-тўғри сармоя жалб қилиш имкониятлари кенг, деган тўхтамга келган эди. Президентимизнинг ташрифи давомида имзоланган Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ҳужжатга ўшандаёқ тамал тоши қўйилган эди, дейиш мумкин.

Кунчиқар юртга амалга ошаётган айни ташриф чоғида давлатларимиз ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Мицубиси", "Мицуи", «Марубени», «Нише Иваи» корпорацияоари билан ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Миллий банки билан «Bank of Tokyo Mitsubisi» ўртасида имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоландики, бунинг замирида, албатта, ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий асосларини янгилаш ва мустаҳкамлаш ётади. Шунингдек, айни ташриф доирасида япон ишбилармонлари вакиллари билан учрашув ва музокаралар ҳам бўлиб ўтади.

Япония билан алоқалар нафақат давлатлараро, ҳукуматлараро ва компаниялар ўртасида, балки халқларимиз ўртасида инсонийлик ва меҳр-оқибат туйғулари билан суғорилган муносабатлар тез ривожланиб бораётир. Хусусан, шу йилнинг май ойида Япония парламенти депутатлари Таро Асо ва Нарияки Накаяма ҳамда япон жамоатчилиги вакилларидан иборат "Дўстлик" миссиясининг юртимизга сафари муносабатларимизга сезиларли туртки берди. Айни миссиянинг ташрифи инсонийлик, меҳр-оқибат хислатлари билан йўғрилган бўлиб, у ўтганларни хотирлаш каби хайрли ва савоб ишни амалга оширишга қаратилган эди. Бу эса японларда ҳам ўзбеклар каби ўз аждодлари хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром ҳамда қарздорлик туйғусини ҳис этиш юксак эканини кўрсатди.

31 июлга қадар давом этадиган ташриф давомида ўзаро ҳамкорликка оид муҳим ҳужжатлар имзоланиши билан бирга Президент Ислом Каримовнинг Япония императори Акихито, Бош вазир Дзюниътиро Коидзуми ва бошқа расмийлари учрашувлари бўлиб ўтди. Бу ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларининг ривожланиши ва ҳамкорликда янги имкониятлар очилишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шу пайтга қадар мутахассислар Ўзбекистон билан Япония пухта ўйланган ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликни юзага келтираётганини бот-бот таъкидлаб келишаётган эди. Мана энди мазкур ташриф давомида "узоқ муддатли муносабатлар" ўзининг ҳуқуқий асосини топадиган бўлди. Умуман, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Японияга сафари барча соҳалардаги ҳамкорлик ва алоқаларга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиши пировардида Президентимиз таъкидлангани каби, **энг тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали бу мамлакатлардаги ҳаёт ва яшаш шароитини шу заминга — ўзбек заминига олиб келиш** сари ташланган галдаги дадил қадам экани билан аҳамиятлидир.

Мадамин САФАРОВ

Суратда: Президент Ислом Каримовнинг Япония императори Акихито билан учрашув пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасида ўртага қўйилган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Малайзияда бўлиб ўтган бокс бўйича XXI Осиё чемпионатида 27 та давлат вакиллари орасида 5 та олтин, 3 та бронза медалига сазовор бўлган мамлакатимиз "чарм қўлқоп" усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

* * *

Токиода мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон маданияти куни ўтказилди.

* * *

АҚШнинг қатор йирик телекоммуникациялари машъум сентябр воқеаларининг бир йиллиги муносабати билан эфирга узатадиган дастурларини эълон қилди.

* * *

Буюк Британия ўзининг мустамлакаси бўлмиш Гибралтор ҳақ-ҳуқуқ атрофидаги тортишувларга якун ясаш мақсадида Испания ҳукуматига янги таклиф билан мурожаат этди.

* * *

Чоршанба куни Тиранада Албаниянинг янги Президенти Альфред Моисининг президентликни қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

2002 йил 26 июль куни Адлия вазирлигида унинг марказий аппарат ва жойлардаги адлия идоралари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳайъат мажлисида Адлия вазири Абдусамат Полвон-зода маъруза қилиб, шу йил 18 июлда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларга алоҳида тўхталди. Шунингдек, мажлисда Адлия идораларининг ўтган олти ойлик фаолияти таҳлил қилиниб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Шу йил 18 июлда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов **"2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида"**ги маърузасида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш ҳамда шартнома шартларининг бажарилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Албатта, мамлакатимиз раҳбари маърузасида таъкидланган вазифалар Адлия вазирлиги зиммасига катта масъулият юклайди.

Маълумки, 2000 йилнинг 11 февралида Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини таъминловчи қонун ҳужжатларини тайёрлаш сингари бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган эди.

Шуни айтиш керакки, Адлия вазирлиги юклатилган вазифа ва ваколатлардан келиб чиқиб, бу борада кўламли ишларни амалга оширди. Энг муҳими, ўтган қарийб 2,5 йил мобайнида тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳолатини бевосита жойларга чиқиб, ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ўз самарасини бермоқда. Биз бугун жойлардаги мавжуд вазият ҳақида етарли маълумотга эгамиз ва шундан келиб чиқиб, вазиятни яхшилаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Биринчи ярим йиллик таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтган йилларга нисбатан ноқонуний текшириш фактлари сони бир неча ўн баробарга камайди, тадбиркорларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам кескин қисқарди. Хусусан, ўтган икки ярим йил ичида ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорларнинг 532 нафари оқланди ва жавобгарликдан озод қилинди. Ҳолбуки, тадбиркорларни реабилитация қилиш амалиёти 2000 йилгача қўлланилмаган эди. Шунингдек, тадбиркорлардан келиб тушган ҳар бир шикоят хати назоратга олиниб, жойларга чиқиб ўрганилмоқда. Ўтган биринчи ярим йилликда Адлия вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларида ташкил этилган "Ишонч телефони"га тадбиркорлар 484 марта мурожаат этишган. Шундан 149 таси бўйича тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган ноқонуний ҳаракатлар зудлик билан бартараф этилди. Шунингдек, ўтган ярим йил ичида тадбиркорлардан 2163 дан ортиқ аризалар келиб тушди. Бу аризаларни ўрганиш жараёнида уларнинг 906 таси ўз тасдигини топди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қолган ариза ва мурожаатлар бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган, уларнинг ички молиявий-хўжалик ишига аралашаётган айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда. Хусусан, ўтган ярим йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, адлия идоралари томонидан судларга 4,18 миллиард сўм миқдоридаги 3165 та даъво аризалари киритилди. Бунинг 590,8 миллион сўми бевосита 614 нафар мансабдор шахс, янада аниқроқ айтганда, 180 нафар ҳокимлик, 155 нафар назорат қилувчи идоралар, 114 нафар хўжалик ва 65 нафар тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи идоралар ҳамда 100 нафар бошқа идоралар ходимларининг чўнтагидан ундириб олиш тўғрисида судларга киритилган даъво аризаларини ташкил этади.

Фақат 2002 йилнинг ўтган 6 ойи давомида жойлардаги адлия бошқармаларининг талаби билан 788 нафар айбдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 106 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Шулардан 99 нафари ҳокимият, 46 солиқ, 120 банк, 135 ширкат хўжаликлари, 180 тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва 208 нафари бошқа вазирлик ва идоралар ходимларидир.

Масалан, Тошкент вилояти Тошкент туманида яшовчи тадбиркор Р.Аминжонованинг "Мадина Р" хусусий фирмасини рўйхатга олиш ҳақидаги аризасини ҳокимият ходимлари асоссиз равишда узоқ муддатдан буён ҳал этмаганлиги учун адлия бошқармаси даъвосига асосан суднинг қарори билан, тадбиркор фойдасига Тошкент тумани ҳокимининг ўринбосари С.Қаюмовдан 50.000 сўм ва рўйхатга олиш бўлими бошлиғи А.Йўлдошевдан 25.000 сўм маънавий зарар ундириб берилди. Бу каби мисолларни кўплаб бошқа вилоятлардан ҳам келтирса бўлади.

Ушбу суд жараёнларини доимий равишда республика ва маҳаллий телевидение орқали намойиш этилиши эса давлат хизматчиларининг интизомини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, айби жамоатчиликка ошкор бўлишдан қўрққан шахслар 86 та даъво аризаси бўйича 43,2 млн. сўм маблағни судгача тадбиркорларга тўлаб беришди ва иш келишув битимини тузиш билан якунланди.

Бугунги кунда қонун даражасига кўтарилган **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**нинг 170 мингтаси тадбиркорларга етказиб берилди. Бу йил янги ташкил топаётган тадбиркорларга етказиб бериш мақсадида яна 50 минг дона китоб чоп этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги ходимлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорларлик субъектлари ўртасида ўтказилган социологик ўрганишлар шуни кўрсатадики, 7804 нафар тадбиркор "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни текширувчи шахсларга тўлдириш учун тақдим этганда, улар текшириш ўтказмай кетиб қолган.

Тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида мавжуд аҳволни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан барча вилоятларда текширишлар ўтказиб туриш амалиёти жорий қилинди. Шунингдек, ўтган йили 27 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар ўртасида социологик сўров ҳам ўтказилди. Ўтказилган текширишлар ва сўровлар натижалари суиистеъмолликлар ва қонунбузарликлар аксарият ҳолларда, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, лицензия бериш, ер ажратиш, кредит бериш ва улар фаолиятини текшириш, шунингдек, ҳисоботлар қабул қилиш, хусусийлаштириш, божхона расмийлаштируви жараёнлари ва бошқа ҳолатларда йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.



Бундан ташқари, сўровда иштирок этган тадбиркорлар ҳали-ҳануз ўз маблағларини ҳокимликлар турли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини рўкач қилиб, ҳар хил усуллар билан олиб қўйилаётганини ҳам очиқ-ойдин таъкидлашган.

Ўтказилган сўровлар таҳлили мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида адлия идоралари, ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Энг асосийси, сўров таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда келгуси фаолиятимиз учун аниқ чоралар белгилаб олинди.

Шунингдек, жойларда тадбиркорларга нисбатан давлат хизматчиларининг муносабати нечоғлик ўзгараётганини билиш мақсадида йил якунида тадбиркорлар ўртасида тақрорий социологик сўров ўтказишни режалаштирдик.

Адлия идоралари шартномавий муносабатларни тартибга солиш масаласига ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адлия идоралари талабига кўра, ўтган ярим йил давомида 42,2 мингдан зиёд ташқи ва ички хўжалик шартномалари қайта туздирилди ва амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилди. Шунингдек, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги туфайли адлия ходимлари ёрдамида 674 миллион сўмлик 836 та талабномалар киритилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиб судларга 2,5 миллиард сўмлик 2706 та даъво аризаси киритилди. Бундан ташқари, ижарачи ва оилавий пудратчиларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб судларга жами 225,2 миллион сўмлик 1408 та даъво аризаси киритилди.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ҳар бир туманда намунавий ширкат ва фермер хўжаликлари ташкил этишга эришдик. Бу хўжаликларда мунтазам равишда илмий-амалий машғулотлар ўтказилиб келинмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги томонидан мунтазам равишда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган ярим йил давомида хусусий секторни ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ҳамда фермер хўжаликларини тараққиёти учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрланиб, қонун ҳужжатлари лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Идоравий-меъёрий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича амалий ишлар ҳам давом эттирилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятлари эркинлигига оид қонун ҳужжатларига зид келувчи 69 та меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди.

Бугунги кунда қонун ҳужжатларининг тизимлаштирилган маълумотлар электрон базасини ташкил этиш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун зарур моддий-техника таъминоти тўла таъминлашга эришилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Албатта, бугун амалга оширилган ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги ҳайъат йиғилишининг асосий мақсади — адлия идоралари фаолиятида йўл қўйилаётган камчилик ва хатоларни ўз вақтида аниқлаб олиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишида адлия идоралари олдига қўйган вазифаларни аниқ тушуниб, уларнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.

Шуни айтиш керакки, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида ҳали бир талай ҳал этилмаган муаммолар мавжудки, уларни аниқлаб, бартараф этиш ҳамда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқи бузилишида айбдор саналган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарликка тортиш ва бундай қонунбузилиш ҳолатлари келажакда такрор содир бўлмаслигининг олдини олиш адлия идоралари олдида турган муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot dovonlari

Adliya tizimi

НАМАНГАН

Вилоят адлия бошқармаси жорий йилнинг олти ойи мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган 4.950 та контрактация шартномаларини ўрганиб чиқди. Текшириш жараёнида қишлоқ хўжалик корхоналари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилган ички хўжалик шартномаларига жиддий эътибор қаратилиб, 32.720 та ички шартномаларнинг амалда қандай бажарилаётганлиги ўрганилди. Шунингдек, 776 нафар ижарачи билан тузилган ижара шартномалари, 1800 та нефт маҳсулотлари, 1912 та минерал ўғит ва 1468 та техника хизмати кўрсатиш бўйича шартномалар имзоланган аниқланди.

Ўрганиш жараёнида 7494778 сўмлик 61 та нотўғри тузилган ички хўжалик шартномалари аниқланиб, вилоят адлия бошқармаси ходимлари ёрдамида қайта туздирилди.

Адлия бошқармаси томонидан ички ва ташқи шартномалар мажбуриятларининг лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари юзасидан ширкат, фермер хўжаликлари ва оилавий пудратчилар манфаатларини ҳимоя қилиб 49978699 сўмлик 255 та даъво аризалари киритилди. Шундан 241 таси оилавий пудратчилар, 6 таси фермер хўжаликлари, 1 таси ширкат хўжаликлари ва 7 таси бошқа хўжалик юритувчи субъектлар манфаатини ҳимоя қилиб киритилган.

Жорий йилнинг олти ойи давомида мазкур даъво аризаларидан 139 таси судлар томонидан кўриб чиқилди. Натижада ширкат, фермер хўжаликлари, оилавий пудратчилар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга жами 20.520.957 сўм пул маблағлари ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Бундан ташқари, шартномавий муносабатларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 20 та тақдимнома киритилди. Шундан 39.998.985 сўмлик 12 та тақдимнома кўриб чиқилиб, ҳал этилди. Мазкур тақдимномалар асосида 10 нафар айбдор мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида шартномавий муносабатлар юзасидан 19 та ариза ва шикоятлар келиб тушган ҳамда уларнинг 15 таси ижобий ҳал этилган.

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бу борада, энг аввало, мавжуд ваколатлардан самарали, ходимлар имкониятидан оқилона фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш лозимки, айрим вилоят адлия бошқармалари ўзлари муаммоларни чуқур ўрганмайди. Лекин вазирлик ходимлари томонидан аниқлаб берилган қонунбузилиш ҳолатларига ҳам эътиборсиз қараётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритилган тақдимноманинг ижроси адлия бошқармаси ходимлари томонидан назоратга олинмаган, унинг ижроси тўғрисида аниқ маълумотга эга эмас, шунингдек, баъзи мансабдор шахслар билан ўз муносабатларини бузғуси келмасдан муросасозлик қилишган ва натижада Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимнома ижроси тўла таъминламаган.

Тадбиркорлардан турли масалалар юзасидан келиб тушаётган аризаларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Лекин уларнинг ижроси ва назорати барча жойларда ҳам етарли даражада, деб бўлмайди. Жумладан, адлия идораларига 2002 йил 1 июл ҳолатига кўра жами 2163 та ариза келиб тушган бўлса, бу ўтган 2001 йилнинг ярим йилига нисбатан 857 тага кўпдир. Бу аризалар асосан ер ажратиш, кредит бериш, рўйхатга олиш ва тугатиш, солиқ, шунингдек, хусусийлаштириш ва мулк ҳуқуқининг бузилиши, шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги масалалари юзасидандир.

Аризаларнинг ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг кўп шикоятлар Сурхондарё (276), Бухоро (177) ва Самарқанд (281) вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларидан келиб тушмоқда. Бу бир томондан, адлия идораларига бўлаётган ишончни, ана шу вилоятларда тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилганлигини англатса, иккинчи томондан, ҳали-ҳанузгача тадбиркорликни ривожлантириш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаётгани, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилаётганидан далолат беради.

Демак, ҳар бир вилоят адлия бошқармаси ариза ва шикоятларнинг келиб чиқиш сабабини чуқур таҳлил этиши ва келгусидаги иш режаларини ана шу муаммоларни ечимини топишга қаратиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, тадбиркорлар адлия идораларига ўзларининг ҳуқуқини тикланишига қатъий ишонгани учун мурожаат этишади. Бироқ айрим адлия ходимларининг масъулиятсизлиги ва сусткашлиги яхши ният билан бошланган ишга путур етказиши ҳеч гап эмас.

Масалан, Андижон вилояти адлия бошқармасига ҳисобот даврида шартномавий муносабатлар бўйича 31 та шикоят ва ариза келиб тушган бўлса-да, шу кунга қадар уларнинг биронтаси ҳам қаноатлантирилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?! Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг айби билан 2001 йилда келиб тушган 3 та, Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига 4 та ариза ижроси 3 ойдан ошиқ муддатгача кўриб чиқилмаган. Тошкент шаҳар адлия бошқармасига "Чорваначлҳизмат" корхонаси раҳбари У.Саидов 2001 йилнинг ноябр ойида Тошкент шаҳар ҳокимининг қароридан норози бўлиб, ноқонуний равишда ундан 1,3 млн. сўм ҳокимлик ҳисобига тўлаш талаб этилаётганлиги, шу боис ўзининг ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишни сўраган. Бунинг устига аризачи бир неча марта яна такрор мурожаат этишига қарамай, унинг ҳуқуқи шу кунга қадар тикланмаган.

Шу ўринда ноқонуний текширишлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ноқонуний текширишларга чек қўйиш, айбдор мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарлигини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳар бир аниқланган ноқонуний текшириш шахсан вилоят адлия бошқармаларининг бошлиқлари Адлия вазири номига махсус хабарнома етказиши ҳамда ноқонуний текшириш натижасида тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни суд орқали айбдор мансабдор шахснинг чўнтагидан ундириш чорасини кўриши лозим.

Лекин айрим вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари бу муҳим масалага ҳам юзаки ёндашаётган ҳоллар учрайди. Адлия вазирлиги ходимлари томонидан вилоятларда тадбиркорликка оид қонунчиликнинг қай даражада ижро этилиши ҳолати ўрганишганда, 23 та умуман рухсатсиз ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган. Жумладан, Наманган вилоятида 12 та, Бухоро вилоятида 4 та ноқонуний текширишлар ўтказилган. Бироқ бу вилоятлар адлия бошқармалари томонидан Адлия вазирлигига бирорта ҳам ноқонуний текширишлар хусусида махсус хабарномалар тақдим этилмаган. Бу ҳолни яна қандай баҳолаш мумкин?!

Маълумки, 2001 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда "Муқобил текширувлар тўғрисида" ва "Тадбиркорларни хизмат хоналарига чақириш тартиби" тўғрисида махсус кўрсатмалар жойларга юборилган эди. Лекин уларнинг ижросига айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан жиддий эътибор берилмаяпти. Ҳозирги кунда ҳам маъмурий идоралар томонидан тадбиркорларни хизмат хоналарига чақириш орқали ноқонуний текширишлар амалга оширилмоқда. Бу фикрни тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровлар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, Сирдарё вилоятида 194 та, Тошкент вилоятида 972 та, Фарғона вилоятида 1551 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан гарчи жиноят иши қўзғатилмаган бўлса-да, тадбиркорлар фаолияти текширилганлигини таъкидлашган. Шунингдек, Сирдарё вилоятида 321 марта, Тошкент вилоятида 786 марта ва Фарғона вилоятида 754 марта тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ бўлмаган масалалар бўйича уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардаги мансабдор шахслар хизмат хоналарига чақирган. Бу каби ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам учрайди. Мана шу каби ноқонуний ҳолатларга барҳам бериш мақсадида юқорида қайд этилган икки кўрсатма тайёрланиб, ижро учун жойларга юборилган эди. Демак, мазкур кўрсатмалар ижросини таъминлаш бу идораларнинг ходимлари учун мажбуриийдир. Шунинг учун ҳам кўрсатмаларнинг ижросини мунтазам равишда назорат қилиб, таҳлил этиб бориш лозим.

Бугун ҳаётнинг ўзи жойларда тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишнинг олдини олиш чораларини кўриш, бунинг учун мунтазам равишда текширувчи идораларнинг фаолиятини ўрганиш, "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби" мониторингини ташкил этиш, тадбиркорлар билан мулоқотларни кучайтириш, ноқонуний текшириш ўтказган айбдор мансабдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашни тақозо этмоқда. Ҳар бир аниқланган ноқонуний текшириш юзасидан тегишли чора кўрилиши, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар суд орқали ноқонуний текшириш ўтказган айбдор мансабдор шахслар чўнтагидан ундириб олиниши умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлайди.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан адлия идоралари томонидан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида тегишли идораларга киритилган тақдимномалар ижроси таҳлил қилинганда, баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, айрим вилоят адлия бошқармалари фаолиятида киритилган тақдимномалар ижросини назорат қилмаслик, уларнинг ижросини ўз вақтида таъминламаган шахсларга нисбатан чоралар кўрмаслик ҳоллари учрайди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиб киритган 60 та тақдимнома ижроси бўйича 1 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чораси қўлланилган, холос. Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан эса ўтган давр мобайнида 69 та тақдимнома киритилган бўлса-да, улар бўйича бор-йўғи 3 нафар шахс, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан киритилган 28 та тақдимнома ижроси бўйича эса атиги 9 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Шартномавий муносабатлар юзасидан эса Тошкент шаҳар адлия бошқармаси атиги 6 та тақдимнома киритган бўлиб, улар бўйича бирнта шахс жавобгарликка тортилмаган. Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳисобот даврида шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун айбдор шахсларга нисбатан жазо чоралари қўллашни сўраб тегишли идораларга атиги 7 та тақдимнома киритилган. Бундан ташқари, шу вилоятнинг тадбиркорлик бўлими томонидан 19 та тақдимнома ва 13 та огоҳнома киритилган бўлса-да, уларнинг ижроси бўйича биронта ҳам айбдор ходимга нисбатан интизомий жавобгарлик қўлланилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Албатта, гап фақат рақамлар изидан қувиш тўғрисида кетмаяпти. Лекин қонунбузилиш ҳолатига нисбатан таъсир чоралари кўриш тўғрисидаги тақдимномалар ижроси таъминланмаслиги, айбдор шахслар жазоланмай қолиши янги қонунбузилишларини келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода бу масалада асло муросасозлик ва сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Назариядан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир қонун норасининг диспозицияси ва санкцияси бор. Чунки қонун мажбурий ижро қилиниши керак. Шунинг учун ҳам мавжуд қонунбузарликнинг даражасидан келиб чиқиб, қонун нормаларининг санкциясини қўлланилишини таъминлаш керак. Шунда қонунларнинг амалий ижроси таъминланади.

Аввалги ҳайъат қарорларида тадбиркорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалар киритиш ва уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни суд орқали айбдор мансабдор шахснинг чўнтагидан ундириш чорасини кўриши лозим.

Лекин айрим вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари бу муҳим масалага ҳам юзаки ёндашаётган ҳоллар учрайди. Адлия вазирлиги ходимлари томонидан вилоятларда тадбиркорликка оид қонунчиликнинг қай даражада ижро этилиши ҳолати ўрганишганда, 23 та умуман рухсатсиз ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган. Жумладан, Наманган вилоятида 12 та, Бухоро вилоятида 4 та ноқонуний текширишлар ўтказилган. Бироқ бу вилоятлар адлия бошқармалари томонидан Адлия вазирлигига бирорта ҳам ноқонуний текширишлар хусусида махсус хабарномалар тақдим этилмаган. Бу ҳолни яна қандай баҳолаш мумкин?!

Маълумки, 2001 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда "Муқобил текширувлар тўғрисида" ва "Тадбиркорларни хизмат хоналарига чақириш тартиби" тўғрисида махсус кўрсатмалар жойларга юборилган эди. Лекин уларнинг ижросига айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан жиддий эътибор берилмаяпти. Ҳозирги кунда ҳам маъмурий идоралар томонидан тадбиркорларни хизмат хоналарига чақириш орқали ноқонуний текширишлар амалга оширилмоқда. Бу фикрни тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровлар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, Сирдарё вилоятида 194 та, Тошкент вилоятида 972 та, Фарғона вилоятида 1551 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан гарчи жиноят иши қўзғатилмаган бўлса-да, тадбиркорлар фаолияти текширилганлигини таъкидлашган. Шунингдек, Сирдарё вилоятида 321 марта, Тошкент вилоятида 786 марта ва Фарғона вилоятида 754 марта тадбиркорлик субъекти билан боғлиқ бўлмаган масалалар бўйича уларни мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал этилмаган. Бу билан биз тадбиркорга ёрдам берамиз деб, уни 6 ойлаб ортиқча овора қилмаяпмизми? Бундай ҳолатни Фарғона (1) ва Навоий(1) вилоятларида ҳам учратиш мумкин. Буларнинг сабабларини чуқур ўрганиш ва назорат қилиш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари адлия бошқармалари томонидан киритилган аксарият даъво аризаларида мансабдор шахсларнинг моддий жавобгарлиги ва улардан маънавий зарарларни ундириш масаласи суст амалга оширилмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар фойдасини кўзлаб 16 та даъво аризаси киритилган бўлсада, шундан бор-йўғи 1 нафар мансабдор шахсни 20 минг сўм маънавий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилган. Ваҳоланки, Адлия вазирлиги томонидан Навоий вилояти ҳокимлигига киритилган тақдимномада тадбиркорларни ноқонуний текшириш ва уларни асоссиз равишда маъмурий жаримага тортиш, солиқ қонунчилигида белгиланган имтиёзларни қўлламаслик, маблағларни ноқонуний равишда жалб этиш ҳоллари бўйича аниқ мисоллар қайд этилган эди. Бироқ Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ушбу тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ҳокимият, солиқ ва назорат қилувчи идоралар ходимларидан ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилмаган.

Бундан ташқари, оила пудратчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласида ҳам адлия бошқармалари томонидан турлича муносабат кузатилмоқда. Жумладан, 10 мингдан ортиқ оила пудратчилар меҳнат қилаётган Сирдарё вилоятида ярим йил ичида судларга оила пудратчиларнинг манфаатларини кўзлаб атиги 24 даъво аризалари киритилган. Лекин Адлия вазирлигида бу вилоятдаги оила пудратчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани, жумладан, ортиқча етиштирилган ҳосилини тортиб олиш ҳолатлари кўплаб учраётганлиги тўғрисида маълумот мавжуд. Худди шундай айрим адлия бошқармалари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилаётган шартномавий муносабатларга таъсир чоралари етарлича амалга оширилмаяпти. Жумладан, Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг ходимлари томонидан вилоятда мавжуд 3784 та фермер хўжаликларидан 566 та (яъни 14,9%) фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришилган. Аммо Бухоро вилояти адлия бошқармаси вилоятдаги мавжуд 5463 фермерлардан атиги 7 тасининг бузилган ҳуқуқи тикланган, холос. Бу муносабатни вилоят вадлия бошқармаси бошлиғи (Ф. Низомов) қандай тушунтирар экан?

Тадбиркорлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарасини ошириш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартиришнинг таъсирчан усулларидан бири — оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишлар, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан кўрилган чораларни жамоатчиликка етказишдир.

Умуман айтганда, ҳуқуқий тарғибот ишларида кўпроқ амалдаги қонунларнинг амалий ижроси ҳақида фуқароларга етказиш зарур. Чунки бугун одамлар қонунбузилишига йўл қўйган ҳар бир шахс қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, жавобгарликка тортилишига ишонч ҳосил қилиши, ҳеч шубҳасиз, қонуннинг кучига бўлган ишончни ортишига хизмат қилади.

Авваламбор, адлия идоралари бугунги ҳаётнинг ўзи қўяётган талаблардан келиб чиқиб, аниқ иш режаларини тузиш ва уларни ижросини таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратиш лозим. Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, бугун биз ўз ишимизни амалда қандай ташкил этсак, эртага шундай натижага эришамиз.

Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг имконияти ва билимидан ўринли фойдаланишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу билан бирга ходимларни алоҳида назоратда турган масалалар бўйича қонун масъул қилиб бириктириш чорасини кўриши лозим. Нега деганда, ҳар бир масъул ходим ҳам маълум бир туман, ҳам маълум бир масала бўйича ихтисослашади. Масалан, ҳақинда давлат рўйхатидан ўтказишнинг янги тартиби амалга киритилди. Айнан мана шу тартибнинг жойларда тўғри тадбиқ қилинишини ўрганиб бориш масаласи бўйича адлия бошқармасининг битта масъул ходими жавобгар этиб белгиланиши лозим. Бу масалани ўрганиб бориш асосида адлия бошқармаси томонидан ҳокимликларнинг рўйхатдан ўтказувчи бўлимлари, солиқ, статистика ва рўйхатдан ўтказишга алоқадор бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида мунтазам равишда амалий машғулотлар ўтказиб бориш зарур. Энг муҳими, бу амалий машғулотларда жойлардаги ўрганиш, социологик сўровлар ва тадбиркорларнинг аризалар таҳлилига эътибор қаратилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Яна бундай амалий йиғилишларда ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган идораларнинг қонунбузарликлари чуқур таҳлил қилиб берилиб, уларга қонун нуқтаи назаридан тегишли йўл-йўрик, кўрсатмалар берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, жойлардаги адлия идоралари томонидан қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига эътиборни янада ошириш лозим. Адлия ходимлари тадбиркорларнинг аризалари ёки жойлардаги аҳволни ўрганиш жараёнида бирон-бир муаммо бўйича қонун ҳужжатларида номувофиқликни аниқласа ёки уларни ривожлантириш зарурияти мавжуд бўлса, бу муаммолар ва таклифларни ечиш масаласини Адлия вазирлиги олдига қўйиши керак.

Шу билан бирга, адлия идоралари вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг тадбиркорлар манфаатига дахлдор қарорларини ўрганиш юзасидан ҳам ўз фаолиятларини янада жонлантириш лозим. Тадбиркорлар ҳуқуқини бузаётган ёки уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган қарорларни зудлик бекор қилиш чорасини кўриш керак.

Умуман олганда, ҳокимликларнинг тадбиркорлик масалаларига тааллуқли уммумажбурий тусдаги қарорларини адлия идоралари томонидан олдиндан имзолаб, тасдиқлаб бериш тажрибасини амалга киритиш вақти келди. Шунингдек, ҳокимликларнинг қарорларини ҳуқуқий томондан талабга жавоб беришини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳокимликда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорида белгиланган сингари юрист лавозимини киритиш ва уларни малакали ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги шартномавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ҳар бир туманда намунавий ширкат ва фермер хўжаликларини ташкил қилиш топширилган эди. Биз қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий томондан таъминлашда бошқа йўл кўраётганимиз йўқ. Ҳар бир намунавий ширкат хўжалигида алоҳида папкалар юритилиши ва уларда ширкат тўғрисида, унинг дебитор ва кредитор қарзлари, шартномалари, оила пудратчилар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бўлиши лозим. Чек ва уларни ишлатиш, пай гувоҳномаларини тарқатиш, дивидентларнинг тўланиши масалаларини тартибга келтирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шартномавий муносабатлар ҳақида фикр юритганда, бу масалада асосий эътиборни фермер хўжаликлари ва оила пудратчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиш лозим. Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз бу масалага алоҳида тўхталиб, шундай таъкидлаб ўтди: **"Вилоят ва туманлардаги рахбарлар, биринчи навбатда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишини каттиқ назорат қилишлари керак, токи ҳар бир оилавий пудратчи, ҳар бир фермер етиштирган ҳосилидан ўз улушини сўзсиз олсин. Бу билан рахбар — ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатни таъминлашга хизмат килади, охир-окибатда унинг одамлар ўртасида обрў-эътибори ортади".**

Албатта, мамлакатимиз рахбари таъкидлаган бу масала адлия идоралари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бунга тўсқинлик қилган ҳар қандай рахбарни муқаррар жавобгарликка тортилиши таъминланиши лозим. Бошқача айтганда, деҳқоннинг ҳақига хиёнат қилган мансабдор шахслари суд жавобгарлигига тортиб, телевидение орқали намойиш қилиш керак, токи бу нарса бошқа раҳбарлар учун сабоқ бўлсин.

Умуман олганда, деҳқоннинг ҳосилини тортиб олишнинг тадбиркор маблағини ноқонуний равишда унинг розилигисиз тасарруф қилишдан фарқи йўқ. Ҳосилдорлик кўпайгани ёки режанинг ўзгарганини баҳона қилиб, шартнома шартларини бир томонлама давлат фойдасига ўзгартиришга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шу ўринда фермерларнинг мустақиллигини чеклаш бўйича бир мисолга мурожаат этсак. Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Андижон вилоятида яқинда ўтказилган ўрганиш давомида бир қатор туманларда фермер хўжаликларини мажбурий равишда кооперативларга бириктириш ва ҳисоб-китобларни кооперативлар орқали амалга ошириш амалиёти мавжудлиги аниқланди.

Бундай нотўғри амалиёт натижасида фермер хўжаликларига тегишли маблағлар кооператив раҳбарлари томонидан ғайриқонуний йўллар билан турли тадбирларга жалб этилган. Хусусан, Баликчи туманида ташкил этилган 13 та кооперативнинг мансабдор шахслари томонидан 265 та фермер хўжалигидан уларнинг розилигисиз 70.848.201 сўмлик маблағлар олиб қўйилган. Фақат адлия бошқармаси аралашуви билан фермерларга маблағлари қайтарилди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳозирда "Гулистон" ва "Юксалиш" кооперативларининг мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят Кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Қолган кооперативларнинг мансабдор шахсларини ҳам жиноий жавобгарлиги масаласи ҳал этилмоқда.

Яна бир мисол. Сирдарё вилоятидаги айрим ширкат хўжаликларида иш юритиш эски усулда олиб борилиб, оила пудратчилар устидан ҳукмронлик қиладиган бригадирлар ҳамда бўлим бошлиқлари каби лавозимлар сақлаб қолинган. Энг ёмони, бригадир ҳам, бўлим бошлиғи ҳам оила пудратчилари ҳисобидан ойлик маоши олиб келмоқда. Бундай ҳолатлар Адлия вазирлигининг ходимлари томонидан 2001 йилда ҳам аниқланиб, тегишли тақдимнома киритилган бўлишига қарамай, ҳозирги кунга қадар бирон-бир чора кўрилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Мамлакатимиз Президенти адлия идораларидан тадбиркорлар ҳуқуқини қўпол равишда бузаётган, уларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарликка тортишни талаб қилдилар. Хусусан, тадбиркорларнинг ариза ва мурожаатларини қасддан кўриб чиқмаслик, уларни сансалорликка солиш, рўйхатга олиш ва уларга турли рухсатномалар беришда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, қонунда белгиланмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ва асоссиз равишда муддатини бузиш, тадбиркорларнинг маблағини уларнинг розилигисиз тасарруф қилиб, зарар етказиш ноқонуний текшириш ўтказиб, тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш етказиб берган маҳсулоти учун қасддан ҳақ тўламаслик ва улар устидан зўравонлик қилиш каби жиддий қонунбузилишлар содир этган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилиши ва қонун олдида жавоб бериши шарт. Шунга ўхшаш ашаддий қонунбузилишлар аниқланганда, адлия идоралари зудлик билан айбдор мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини талаб қилиб, прокуратура идораларига тегишли тақдимнома билан чиқиши лозим.

Шу ўринда тадбиркорларнинг маблағини уларнинг розилигисиз жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида бу салбий ҳолатга баҳо бериб, ҳақли равишда шундай таъкидлаб ўтди: **"Кўп жойларда номақбул одат тусига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман тадбиркорликка соғин сигир деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак. Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишдек олижаноб мақсадларни баҳона қилиб, ҳар қайси маҳаллий рахбарнинг тадбиркорлардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишига, ҳайрия ишларини мажбуриятга айлантиришига асло йўл қўйиб бўлмайди".**

Президентимиз тадбиркорларнинг маблағларини ўзлаштиришга - тадбиркорлик субъектларига нисбатан зўравонлик ва ғайриқонуний тарзда аралашиш деб баҳолади. Ахир, бундай ғайриқонуний йўл тутиш тадбиркорлик фаолиятининг маъноси йўқолишига олиб келмайдими? Айниқса, бу қонунбузарликлар аксарият ҳолларда, ҳокимлар томонидан йўл қўйилаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Аслида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, ҳар бир ҳоким ўз ҳудудида қонунлар ижросини таъминлаш учун жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган.

Адлия идораларининг асосий вазифаси ҳам тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бундай қонунбузарликка йўл қўяётган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарликка тортилиши ҳамда тадбиркорга етказилган зарарни ундириб берилишини таъминлашдир.

Масалан, Янгийўл шаҳар ҳокими ўринбосари А.Нормирзаев ҳокимлик меҳмонхонаси биносини қурилиши амалга оширилаётгани ва унга 200 минг сўмлик трубалар зарурлигини билдириб, тадбиркор Х.Илмуратовга уларни олиб келишни буюрган. Тадбиркор ноилож буйруқни бажарган. Лекин ҳокимлик бунинг пулини тўламаган. Натижада тадбиркорга моддий ва маънавий зарар етказилган. Тадбиркор Х.Илмуратов манфаатини кўзлаб, етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Тошкент вилоят адлия бошқармаси судга мурожаат этиб, тадбиркор фойдасига суднинг қарори билан ҳоким ўринбосари А.Нормирзаев чўнтагидан 100 минг сўм моддий ва 300 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Ҳар бир аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича назорат карточкалари юритилиши ва қонунбузилишлар бартараф этилиб, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланиб, айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилгач, карточкалар назоратдан олиниши лозим. Бу масалада иккиланишга сира ҳожат йўқ. Тадбиркорлардан ноқонуний ундирилган маблағлар қайтариб берилиши таъминланиши шарт.

Суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилиши, табиийки, фуқаролар, тадбиркорларнинг қонун кучига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Албатта, бу борада Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ўрни катта.

Суд ва бошқа идораларнинг қарорларини ижросини таъминлаш бўйича Суд департаменти томонидан амалга оширилаётган бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Шу билан бирга бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, судлар томонидан тадбиркорларнинг фойдасига ҳал этилган ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг ижро муддатини бузилиш ҳоллари учраб турибди. Мисол учун, Наманган вилоят адлия бошқармасининг 27 та тадбиркорнинг манфаатини ҳимоя қилиб судларга киритилган даъво аризаларига асосан судлар 6,7 млн. сўм маблағни тадбиркорлар фойдасига ундириш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорлари ижрога қаратилган бўлса-да, бу жорий йилнинг март ойидан бери ижро этилмасдан келинмоқда.

Бу каби муаммо ва камчиликларнинг ҳал этилиши, табиийки, умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлаб қолмай, одамларнинг қонун кучига бўлган ишончини янада оширади.

Албатта, олдимизда турган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли ижро этиш, биринчи навбатда, кадрларнинг савиясига боғлиқ. Чунки кадрларнинг билими ва саъй-ҳаракати кўп нарсани белгилайди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўз ишига фидойи, интилувчан ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қиладиган омиллардан биридир.

Маълумки, қонунлар жамиятда ўз-ўзидан автоматик равишда ишлаб кетмайди.Уларнинг ишлаб кетиши кўп ҳолларда, ҳуқуқшуносларнинг фидойилиги, қатъиятлилиги, мардлиги ва қўрқмаслигига ҳам боғлиқ.

Мамлакатимиз келажаги, давлатимиз ва халқимизнинг иқтисодий равнақи кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдадир. Бу борада адлия идоралари ходимлари етакчи ўринни эгаллаши, тадбиркорларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқини ҳимоясини таъминлаши лозим.

Qonun va ijro

ИШДАГИ УНУМНИНГ БОИСИ

Иштихон туманидаги М.Жўраев номидаги ширкат хўжалиги 2001 йил 1 январгача 237 миллион сўм қарздор эди. Шу боис ўтган йили пахта тайёрлаш режаси ҳам 42 фоизда қолиб кетди. Бунинг устига давлатга шартномавий режадагидан 600 тонна кам ғалла сотилди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 516-сонли қарорига асосан ширкат хўжалиги тугатилиб, фермерлар уюшмасига айлантирилди. Бугунги кунда собиқ хўжалик ҳудудида 71 та фермер хўжалиги мустақил фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири "Кўтара" фермер хўжалигидир.

— Аввал жамоа, кейинчалик ширкат хўжалиги бўлиб ишладик, — дейди фермер хўжалиги раиси Қаҳрамон Турсунов. — Кўп йиллар бригада бошлиғи бўлиб хизмат қилганман. Лекин жамоа хўжалигида ҳам, ширкат хўжалиги даврида ҳам кам ҳосил олинди. Даромад уруғлик, техника, ёқилғи харажатларига ҳам етмасди. "Оқдарё" дарёсидан насос орқали дизел ёқилғиси сарфлаб сув чиқардик. Сув насосининг бир кеча-кундузда анча ёқилғи сарфлаши ҳам қарзга ботиб қолишимизнинг сабабларидан бири бўлди. Фермер хўжалиги тузиб, мустақил ишлаб, елкамизга офтоб тега бошлагач, кўп йилларимиз бесамар кетганини ҳис этяяпмиз.

Фермер хўжалиги раисининг айтганича бор. Фермер хўжалиги аъзолари бу йил 16 гектар ғалла майдонидан юқори ҳосил олишган. Давлат қабул пунктларига шартномавий режадаги 42 тонна 20 килограмм ўрнига 51 тонна 40 килограмм ғалла етказиб беришган. Шундан сўнг фермер ихтиёрида яна 27 тонна дон қолган. Битта фермер хўжалигида бунча миқдорда ғалланинг соф фойда сифатида қолиши катта бойлик, мулкдорлик белгиси эмасми? Қилган меҳнатига қараб, бир неча фермер хўжалиги аъзоларнинг ҳар бирига бир ярим тоннадан буғдой берилган. Бу эса бир оиланинг йиллик нон таъминоти демакдир.

— Моддий манфаатдорлик бўлгач, даладан кетгинг келмай ишлар экансан, — дейди фермер хўжалиги аъзоси Х. Рустамов. — 27 гектар майдонда пахта етиштираяпмиз. Бизда иш ҳам, унга иш ҳақи тўлаш ҳам тўғри тақсим қилинган. Агар бир киши бир гектар пахта майдонини чопиқдан чиқариб, бегона ўтдан сифатли тозалаб берса, унга 100 килограмм буғдой ва минг сўм иш ҳақи берилади. Шунингдек, уларга йил охирида пахтадан олинадиган даромадда ҳам улуши борлиги тушунтирилган.

Йўлингиз тушиб, фермер хўжалиги пахта далаларига тўсангиз, у ерда бегона ўтга кўзингиз тушмайди. Қўшқатор қилиб экилган пахта жўякларига сув меъёрида шарбат усулида оқизилмоқда. Ҳар туп ғўзада 7-8 дона кўсак бор. "Митан" пахта тозалаш заводи билан 71 тонна пахта етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси имзоланган. Ўзимнинг далам, ўзимнинг ерим деган эгалик туйғуси фермер хўжалиги аъзолари кўнглида яхши кайфият, кўтарилкилик уйғотган. Кайфият яхши бўлган жойда эса ишда унум, одамда қўним бўларкан.

Хўжаликнинг ғўза қатор ораларига ишлов бериш бўйича фермер хўжаликлари уюшмаси машинатрактор парки билан шартномаси ҳам бор. Бу ишни механизатор Толлибой Абдуллаев бажармоқда. У дала ва ер шароитини яхши ўрганиб олган. Эндиликда фермер хўжалиги аъзолари сув насосидан фойдаланиш, ортиқча сарф-харажатга барҳам беришган. Ғўзаларнинг баравжчилиги, кўсаклар, ҳосил тугунчаларининг мўллиги асосий тармоқ — пахтачиликда ҳам бу йил мўл ҳосил олиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

Баён этилганлардан хулоса шуки, **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги Қонун қишлоқ аҳли, деҳқонга қулай, моддий жиҳатдан манфаатдор бўлишдек катта ва кенг имкониятни юзага келтирди. Демак, гап бу имкониятдан кимнинг қандай фойдалана олишига боғл

Huquqiy savodxonlik sari

ТЕРРОР ЖИНОЯТЧИЛИГИ НИМА?

Кейинги йилларда дунё жамоатчилиги диққат-эътиборини терроризм муаммоси ўзига тортган. Бугун дунёнинг барча давлатлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳалокатга етакловчи бу жараённи қаттиқ қоралаётир. Ҳар бир давлат ўз қонунчилигида бу жараён нисбатан шафқатсизлигини баён этмоқда. Хўш, мамлакатимиз қонунчилигида бу борада қандай чоралар белгиланган? Аввало айтиш жоизки, "террор" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, кишиларни қўрқув ҳамда ваҳимада ушлаб туриш, уларни қўрқитиш, юракларига ваҳима солиш йўли билан қандайдир ишларни бажариш ёки бажаришдан тўхтатиш, деган маънони англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз сиёсий душманга нисбатан куч ишлатиш, деб изоҳланган бўлса, хорижий сўзлар луғатида "қўрқитиш сиёсати, сиёсий мухолифларни куч ишлатиш чоралари билан қўрқитиш, эзиш", атамаси дея изоҳланган. Шундан келиб чиқиб, террорчилик "куч ишлатиш билан таҳдид, таъқиб қилиш, кишиларни қўркув ҳолатида ушлаб туриш", деган маънони англатади.

Террорчилар ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, давлатлар суверенитети ва ҳудудий дахлсизлиги, унинг иқтисодий асосларига тажовуз қиладилар. Шу сабабли террорчилик тўғрисидаги моддага ЖКнинг "Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар"га бағишланган VIII бобида берилган. Қизиғи шундаки, мамлакатимиз инсоният қонунчилигида тўртта жиноятга нисбатан ўлим жазоси сақлаб қолинган бўлса, шулардан учтаси, яъни 151-модда (Агрессия), 153-модда (Геноцид) ва 155-модда (Терроризм) айнан VIII бобдадир. Шундан кўринадики, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши тажовуз мамлакатимизда ўта хавфли жиноятлар ҳисобланади.

Маълумки, 2000 йил 15 декабрда мамлакатимизда **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинган эди. 31 та моддадан иборат бу қонунда террорчилик нима, террорчи ким, террорчилик гуруҳи деганда қандай ёвуз гуруҳ англашилади, террорчилик қандай ташкилот, унинг фаолияти деганда нимани тушуниш лозим ва шунга ўхшаш террорчиликка алоқадор бир қанча сўз, ибора ва атамаларга изоҳлар берилган. Қонунда кўрсатилишича, терроризм сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахс ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий бойликларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракат содир этиш ёхуд содир этишдан тийилишга мажбур қилиш, халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилиш, аҳолини қўрқитиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган. Бирорта террорчилик ташкилотига аъзо бўлган ва террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этган шахс террорчи ҳисобланади. Гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олган, давлат ва жамоат арбоблари, аҳолининг миллий этник, диний ва бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилган шахслар ҳам террорчи саналади. Шунингдек, давлат ва жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, йўқ қилиш, шикастлантириш ёки портлатишда иштирок этган, кишиларни портлатиш қурилмалари, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий ва бошқа заҳарловчи моддаларни ишлатаман деб қўрқитган, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилишда қатнашган, аҳоли гавжум жойлар ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтарган ҳамда тартибсизликлар келтириб чиқарган кимсалар ҳам террорчи ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этган шахслар террорчилик ҳаракатини содир этган деб топилади. Кўриниб турибдики, террорчилик ҳаракатини содир этган шахсларни ҳеч иккиланмай ёвуз кимсалар деб аташ мумкин. Бундай касларга қарши курашда эса террорчилик фаолиятининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин буни қандай амалга ошириш мумкин? Бизнингча, бунинг учун биринчи навбатда одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш лозим. Давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотлар бирдам бўлиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа амалий чора-тадбирлар мажмуини ўтказишлари лозим. Бундан ташқари, террорчилик фаолиятига дахлдор шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириши ҳақидаги, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларга оид маълумотларни яшириш қатъиян таъқиқлаб қўйилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, террорчиликка қарши кураш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Аммо айрим фуқаролар бу ҳолатга бепарволарча муносабатда бўлишади. Бундай фикрдаги кишиларни оқлаб бўлмайди. Чунки террорчиларга қарши биргаликда кураш олиб борилгандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин. Тўғри, террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб, жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, моддий бойликларни сақлаб қолиш, гаровда ушлаб турилган шасхларни озод этиш, шунингдек, куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятларини топиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкин. Аммо бу музокаралар уларни содир этган жиноий қилмишлари учун жавобгарликдан озод этиш асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Шу аснода бир савол туғилади: айтайлик, террорчилик гуруҳи аъзоларидан бири террорчиликка қарши кураш олиб борадиган давлат идораларидан бири билан музокарага киришганда давлат идораси вакили унга нималарни ваъда қилиши мумкин? Террорчи халқаро террорчилик ташкилоти аъзоси бўлиб, кўпгина жиноятларда иштирок этган, лекин кейинчалик қилмишларидан афсусланиб, террорчиликка қарши курашувчи идора билан ҳамкорлик қилса ҳамда ўзи аъзо бўлган ташкилотга барҳам беришда катта ёрдам бериб, муҳим маълумотларни келтириб берса ва шу йўл билан минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ишига ҳисса қўшса-чи? Бундай ҳолларда одил суд шахснинг барча қилмишларини адолат тарозусида тортиб кўриб, унинг адашгани, энди тўғри йўлга тушганини инобатга олиб, энг мақбул ҳукм чиқариши лозим. Давлат идораси вакили ҳам унга фақат шуни ваъда қилишга ҳақлидир. Энди иккинчи бир вазиятга эътибор қаратамиз. Террорчиликка қарши курашувчи давлат идораларидан бири ўз ходимларидан бирини террористик ташкилот ичига керакли маълумот тўплаш учун киритиб юборди, дейлик. Ходим маълум муддат давомида ташкилот ичида юриб, маълумот тўплаган ва уларни ўзининг ҳақиқий ташкилотига жўнатиб турган, аммо шу билан бир қаторда террорчилар кўзига "уларнинг ўз одами бўлиб кўриниш учун" турли жиноий ҳаракатлар, масалан, бино ва кўприкларни портлатишда иштирок этган ҳам дейлик. Хўш, террорчилик ташкилоти тугатилиб, барча аъзолар қўлга олинганда, бу ходимга нисбатан қандай чора кўрилади?

Европа мамлакатларида ҳам бу масала қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда, аммо ҳали муайян бир қарорга келингани йўқ. Масалан, Германия Федератив Республикаси Жазо процессуал Кодексининг 110- "а" параграфида кўрсатилишича, агар биронта уюшган гуруҳ вакили томонидан гиёҳвандлик моддалари ёки қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, қалбаки пул ёки қимматбаҳо қоғозлар ясаш, давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш соҳасида биронта оғир жиноят содир этилгани аниқланса, бундай жиноятларни тўлиқ аниқлаш учун гуруҳ ичига "яширин ахборотчилар" жўнатилиши мумкин. Бундай жиноятларнинг такрорланиш хавфи бўлганда ҳам ахборотчилар жўнатилади. Ўша кодекснинг 110- "б" параграфида эса бундай «ахборотчилар» фақат прокурорнинг рухсати билангина жўнатилиши мумкинлиги қайд қилинган. Аммо уларнинг жиноий гуруҳ ичида содир этадиган хатти-ҳаракатлари, яъни жиноий гуруҳ билан биргаликда амалга оширадиган ғайриқонуний қилмишлари учун кўриладиган чоралар хусусида ГФР қонунида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Мамлакатимизнинг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида эса бу масала аниқ-равшан ҳал этиб берилган. Яъни, қонуннинг XI бўлимида қайд этилишича, "террорчилик фаолиятида иштирок этаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади. Шахс террорчилик фаолиятида иштирок этишдан ўз ихтиёри билан қайтган, бу ҳақда тегишли давлат идораларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келиши ва террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Террорчиликка қарши операцияда иштирок этаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар бундай операциялар ўтказилаётганда мажбуран зарар етказганликлари учун жавобгарликдан озод этилади".

Бу ҳолат эса мамлакатимиз қонунчилигининг инсонийлик сифатларини яна бир бор кўрсатиб беради.

Игор КУДРЯВЦЕВ,
тадқиқотчи

Оталар дейдики...

Умр бизга уни сўнгги дақиқаларига қадар мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган.

* * *

Ота-онага муҳаббат — барча инсоний фазилатлар асосидир.

* * *

Соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам буюк неъматдир.

* * *

Гўзаллик туйғусини сингдирмай туриб, баркамол инсонни вояга етказиш мумкин эмас.

* * *

Ўз қобилиятини яхшилик йўлига сарфлаган одамга Яратган сахийлик билан инъомлар ҳадя этади.

Bahs

ТАЛҚИНДА АДАШМАЙЛИК

Газетанинг ўтган сонларидан бирида чоп этилган ҳуқуқшунос Т. Қорёғдиевнинг **"Жиноят ишини ким кўзғатади?"** сарлавҳали мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Уни мутолаа қилиш жараёнида баъзи бир эътирозлар ҳам туғилдики, қуйида шуни баён этишни лозим топдим.

Маълумки, ЖПКнинг 328-моддасида жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга бўлган идоралар ёки мансабдор шахс томонидан жиноятга оид маълумотларнинг бевосита аниқланиши кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур модданинг 4-бандида судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни кўриш, 5-бандида эса суд фуқаровий иш ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш пайтида жиноятга оид маълумотларни олса, жиноят иши қўзғатиш мумкинлиги қайд этилган. Бу модданинг мазмунидан келиб чиқиб, шуни айтиш жоизки, судья ёки суд ҳар икки ҳолатда ҳам жиноят аломатларини бевосита иш кўриш жараёнида ўзи аниқлаши лозим. Лекин бундан судья ёки суд фақат бевосита иш кўриш жараёнида аниқлаган жиноят юзасидан жиноят иши қўзғатади, бошқа ҳолларда ҳатто хусусий тартибда ҳам жиноят иши қўзғатмайди, деган хулосага келишни ўринсиз деб биламан. Чунки ЖПКнинг 330-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқланган ҳар бир ҳолат жиноят ишини қўзғатиш; ишни қўзғатишни рад қилиш; ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли экани таъкидланган. Демак, ана шу модда мазмунидан келиб чиқиб қаралса, Олий Суд Пленуми 92-сонли қарорининг 8-банди, 3-хатбошидаги кўрсатма ЖПКнинг 328-моддаси 4-5-бандларига зид эмас.

Судлар томонидан ЖКнинг 139—140-моддалари асосида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги аризаларнинг ЖПКнинг 345-моддаси 4-бандига асосан ички ишлар идораларига юборилиши ҳам қонунга мос келади. Чунки бу туркумдаги жиноят ишларини тергаш ички ишлар идоралари ваколатига киради.

Х. ТЕМИРОВ,
ҳуқуқшунос

Zamon savollari

КАФОЛАТ ХАТИНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Яқинда чорвачилик билан шуғулланиб юрадиган таниш фермер дўстимни учратиб қолдим.

— Хорманг энди, жаноб фермер. Даромад-буромадлар жойидами? — дея у билан сўрашган бўлдим.

— Ёмон эмас, шукр қилса, бўлади, — деди у. — Яқинда кредит олмоқчи эдим. Шунга кафолат хати керак экан.

— Кафолат хатини қаердан олаяпсиз?

— Битта хусусий фирма билан гаплашгандим. 30 минг сўм олиб келсанг, ёзиб берамиз, дейишди...

Илгари ҳам айни шу мавзуда гап кетганда, кафолат хатлари сотилиши ҳақидаги "миш-миш" қулоғимга чалинган эди. Албатта, ҳар қандай "миш-миш"нинг остида ҳам қандайдир ҳақиқат бўлади. Яшириб нима қилдик, бугун ҳаётда пул эвазига кафолат хати берувчи корхона, фирма, ташкилотларда айрим "ҳожатбарор" амалдорлар йўқ эмас. Бирон бир кредит олувчига кафолат хати ёзиб берган фирма, корхона мабодо ўша мижози банкдан қарзини узолмаса ёки кредитни вақтида қайтаролмаса, банк кафолат хатига асосан берилган қарзни ўша ташкилот ёки фирмадан ундириб олиш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқиб, кафолат хатининг масъулияти ва нархини ўзингиз чамалаб олаверинг!

Бугун ҳаётда мижозга ўйламай-нетмай кафолат хати бериб, сўнг ўзи қуйиб қолаётган кредитлар оз бўлса-да, учраб туради. Бундан ташқари, ҳар бир янгилик қанот қоқиб, кундалик турмушимизга сингиб кетишида тўсиқлар, масаланинг моҳиятини чуқур англаб етмаслик, ёлғон ва фирибгарликка дуч келиши ҳам табиий ҳолдир. Келинг, яхшиси фикримизнинг исботи учун ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик.

Бойсун туманидаги "Саида" хусусий фирмаси раҳбари Ҳабибулло Ибодов савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш учун 2000 йил 30 мартида "Пахтабанк"нинг Бойсун туман бўлимидан 3 миллион сўм кредит олган. Шеробод туманидаги "Шерободмевасабзавот" тайёрлов корхонасининг "ҳожатбарор" раҳбарлари "Саида" хусусий фирмасига кафолат хати берган. Банк томонидан қарзни тўлалигича қайтариш муддати 2001 йил 31 август кунигача белгиланган. Албатта, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган кишиларни қўллаб-қувватлаш савоб иш. Аммо ҳамма гап шундаки, "Саида" хусусий фирмаси банкдан олган кредитнинг 2 миллион 500 минг сўмини қайтаргани йўқ. Банк ҳам мижозининг бу қилмишига қараб турмади. Хўжалик судига даъво аризаси киритиб, қарзни ундириш масаласини ўз фойдасига ҳал этди. Лекин суд такрор ҳал қилув қарорини чиқаргани билан қарзни ундиришнинг иложи бўлмаяпти. Чунки ўша кафолат хати берган "Шерободмевасабзавот" тайёрлов корхонасининг ҳисоб рақамида пулнинг ўзи йўқ... Энг ёмони, "Саида" хусусий фирмаси ўз фаолиятини аллақачон тугатган...

Мана, бир варақ оқ қоғозда қораланган кафолат хатининг ғавғоси: кредитни қайтариш муддати ўтиб кетган. Берилган қарзни ундиришнинг иложи йўқ. Ўртада банк пулига қуйиб қолмоқда. Хўш, бунинг учун ким жавоб бериши керак?

Агар масалага жиддий назар ташласак, шундай ҳақли савол туғилади: нега "Саида" хусусий фирмаси ўзи фаолият кўрсатаётган тумандаги корхона ёки ташкилотдан эмас, балки қўшни тумандаги "Шерободмевасабзавот" тайёрлов идорасидан кафолат хати олган? «Бир балоси бўлмаса...» деб шунга айтмайдими?!

Шунга ўхшаш иккинчи бир мисолга эътибор қаратсак. «Сайроб» улгуржи чакана савдо фирмаси 2000 йил 20 октябрда "Ҳисор" хусусий фирмаси берган кафолат хати асосида "Пахтабанк"нинг Бойсун тумани бўлимидан 4 миллион 230 минг сўм кредит олган. Аммо қарзни қайтариш муддати аллақачон ўтиб кетган. Лекин ҳанузгача 2 миллион 500 минг сўмлик кредит банкка қайтарилмаган. Бу орада эса қарз олган савдо корхонаси "ўтириб" қолди. Кафолат хати берган хусусий фирма ўз фаолиятини тўхтатган... Кўриниб турибдики, икки ўртада яна банк қуйиб қолмоқда...

"Фаришта" (номига эътибор беринг!) хусусий фирмаси 1999 йил 12 октябр куни 8-сон кредит шартномасига асосан йиллик савдо-сотиқ ишларини амалга ошириш ниятида "Пахтабанк"нинг туман бўлимидан 3 миллион сўмлик кредит олган. Унга "Валиев Норбўта" хусусий фирмаси кафолат хати берган. Қарзни қайтариш муддати 2001 йил 1 апрел этиб кўрсатилган. Орадан бир йил ўтди, не-не сувлар оқди. Ҳозиргача 3 миллион кредит ва унинг устама ҳақи бўлган 877 500 сўмлик фоиз сувга ташланган тош каби чўкиб ётибди. "Фаришта" ва "Валиев Норбўта" фирмалари бугун фаолият кўрсатмаяпти. Улар аллақачон "ишини" бажариб, керакли жойлардан номлари ўчиб кетган. Бошқача айтганда, қорлар ёғаверириб, излардан ном-нишон қолмаган...

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Албатта, гап фақат мисол ва далилларни таъкидлашда эмас, балки кафолатнинг масъулияти хусусида кетаяпти. Бугун ўз фаолиятини бошлаётган ҳар бир тадбиркор дастлабки маблағга эга бўлиш учун табиийки, банкларга қарз сўраб мурожаат қилади. Банк кафолат хатларига ишониб, қарз беради. Лекин баъзан берган қарзини йиллар давомида ололмайди. Энг ачинарлиси, бошқа бир тадбиркор кредит олишда қийналиши сарсон-саргардон бўлиши турган гап. Албатта, бундай нохуш ҳолнинг юзага келишида банк мутасаддиларининг ҳам айби йўқ дея олмаймиз. Нега деганда, банкдаги масъул шахслар ҳар бир кафолат хати эгасининг «хуржуни»ни яхшилаб ковлаб кўриши, қани, у эртага ўзи бераётган кафолатини тўлашга келганда, маблағи борми, имконияти етадими, иқтисодий аҳволи жойидами, деган саволларга қониқарли жавоб олиши зарур. Афсуски, санаб ўтилган кредитларни олишда берилган кафолат хатлари банкнинг собиқ раҳбарлари томонидан чуқур ўрганилмагани, бу масалага юзаки ёндашилгани сезилиб турибди.

Мақолага якун ясар эканмиз, қуйидаги саволларга жавоб изладик: хўш, банк кимларнингдир айби билан давлат томонидан берилган пулга қуйиб қолаверадими? Бунинг учун кимдир жавоб бериши керак-ку?!

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. КОРЁҒДИЕВ

ИНСОН АЗИЗ, ҲАЁТИ УНДАН ҲАМ АЗИЗ

Умр — инсонга Яратган томонидан ато этилган бебаҳо неъмат саналади. Шунинг учун бировнинг жонига қасд қилиш ёки уни шунга мажбур этиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Бундан ташқари, ўз жонига қасд қилиш ҳам жиноят саналиб, унга нисбатан қонунда жазо белгиланган. Жумладан, Жиноят Кодексининг 103-моддасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш бўйича жавобгарлик белгиланган. Яъни моддий ёки бошқа томондан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида кишини ўзини ўзи ўлдириш ёки жонига суиқасд қилиш даражасига етказиш мазкур модданинг 1-қисмига кўра 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш, агарда қилмишлари моддий томон ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, 103-модда 2-қисмига мувофиқ 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шунингдек, Жиноят Кодексига берилган шарҳлар ва Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сонли "Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида ушбу жиноятнинг кўплаб жиҳатларига аниқ тушунтириш ва шарҳлар берилган.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, баъзан бу қабилдаги жиноятнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаб ҳамда шароит тергов жараёнида чуқур таҳлил этилмай қолган ҳоллар ҳам учрайди.

Олий суд Пленумининг таъкидлаб ўтилган қарори 2-3-бандлари моҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, шакл ва мазмуни бўйича қонуний бўлган ҳаракатлар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ёки суиқасд қилиш содир этилган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан Жиноят Кодексининг 103-моддаси татбиқ этилмайди. Бу ўринда оддий ҳақоратлаш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга қаратилган арзимас гаплар бундай хил ҳаракатларнинг муттасил (бир неча марта) содир этилишини талаб қилувчи ЖКнинг 103-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди. Бундай ҳолларда жавобгарлик шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни тақозо қилувчи Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича келиб чиқади.

Раҳмсиз муомала деганда, жабрланувчига нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ҳамда руҳан азоб етказиш (масалан, муттасил калтаклаш, озиқ-овқат, сув ва бошқалардан маҳрум қилиш) ҳоллари тушунилади. Шунингдек, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурини бир неча марта таҳқирлаш (масалан, туҳмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказолар)ни тушуниш лозим.

Моддий қарамлик жабрланувчининг айбдордан қонун билан белгиланган моддий ёрдам (пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ҳоказолар) олиб келгани ёки унинг бевосита қарамоғида бўлгани ҳолатидир. Бундай ҳолат асосан ишламаётган шахснинг ишлаётган шахсга, болаларнинг ота-онага, нафақадаги ота-онанинг моддий даромадга эга бўлган ўз болаларига қарамлигига нисбатан айтилади.

Ҳаётда шундай вазиятлар учраб турибдики, эрхотиндан бирининг хиёнати ёки қонуний асос билан ишдан бўшатилиш каби турли вазиятларда ўз-ўзини ўлдириб қўйиш ёки ўлдириш даражасига етиш ҳолатлари содир этилиши мумкин. Лекин Жиноят Кодекси 103-моддасига берилган шарҳларнинг 4-бандида "Бирга яшашни бошлаш ёки давом эттириш, эрхотиндан бирининг хиёнати, ҳуқуқий асос билан ишдан бўшатиш ва ҳоказолар натижасида ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз жонига суиқасд қилишни ЖК нинг 103-моддасига мувофиқ баҳолаш мумкин эмас", деб кўрсатилган.

Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, инсон табиати ўта нозик, таъсирчан, меҳр-мурувватга муҳтож бўлгани боис ҳаётдаги лаҳзалик ҳақорат ёки туҳматлар унинг руҳиятига таъсир қилиши ва ўзини йўқотиб қўйиб, ҳаёт кўзига кўринмай қолиши мумкин. Шунинг учун босиқ, чидамли, фаҳм-фаросатли, кечримли бўлиш узоқ ва бахтли ҳаёт кафолати саналади.

Қолаверса, бу дунёда одам одамга ҳамиша суянчиқ, таянч эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

АНГЛИЯ ПОЛИЦИЯСИ: МУНОСИБ ВОРИСЛИК

Жаҳон мамлакатлари ўртасида Англия ҳуқуқ институтлари узоқ тарихга эга экани билан ажралиб туради. Дунёдаги энг биринчи парламент тизимининг яратилиши ҳам бу фикрнинг яққол исботидир. Қолаверса, Англия ҳуқуқ соҳаларининг пухта ишлангани ва уларга қадимдан қатъий амал қилиб келинаётгани ҳам эътиборга молик. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, Англияда полиция институтининг вужудга келиши ва унинг ривожланишининг ўзига хос тарихи ҳам қизиқарлидир.

У қуйидагича кечган: 1829 йилда икки нафар Лондон полицияси комиссари Уайтхолл саройи яқинидаги кўчада полиция бюросини очади. Кейинчалик бюро кенгайиб, муқаддам Шотландия қиролининг оиласи Лондонга ташриф буюрганда яшаган яна бир бинолар мажмуини қўшиб олади. Бу эса «Скотланд-Ярд» деган иборанинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу ибора вақт ўтиши билан Англия жиноят полициясининг номига айланиб кетади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Англияда дастлабки тартибни сақлаш ва мулкни қўриқлаш ишларини фуқароларнинг ўзлари бажаришган. Бора-бора улар бундай вазифаларни бажаришни муайян бир ҳақ эвазига бошқа кишига бериб қўйишга одатланишади. Улар иложи борича арзонроқ ёлланадиган кишилар — ногирон, кўзи ожиз, дайдилар ва ҳатто ўғриларни ёллашган. Шу асосда профессионал изқуварлар — "жиноятни тутиб берувчилар" пайдо бўла бошлаган. Бундай одамлар асосан пул топиш, қасд олиш мақсадида ёки саргузаштларга ишқибозлиги боис изқуварликни ўзларига касб этишган. Қизиғи шундаки, исталган шахс ҳеч қандай чекловлар ва назоратсиз "ўғрини тутиб берувчи" ёки изқувар бўлиши мумкин бўлган. Бу эса Англияда ҳар хил таъмагир, қаллоб ва фирибгарларнинг кўпайишига олиб келган. Шу боис уларга қарши норозилик кучайиб кетган. Вестминистер судьяси Генри Филдингнинг келтирган протестлари ва петициялари натижасида тажриба сифатида суднинг махсус хизмати жамғармаси томонидан бир неча вакилларни ёллаш учун маблағлар ажратилади. Хизмат пайтида фойдаланиш учун уларга қизил рангдаги жилетка ва тўппончалар берилди. Филдинг судининг биноси «Bow street»да жойлашганлиги сабабли мазкур ходимларни «bow street runners» деб атай бошлашди. Уларни фуқаролар ҳам ёллаши мумкин эди, лекин бундай ёллашнинг баҳоси анча баланд бўлган. «Раннер»лар ўша даврдаги Франция полицияси ходимлари қўллайдиган усулларга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширарди — улар фуқаро кийимини кийиб олиб, қиморхона ва фоҳишахоналарга кириш йўли билан жиноятчиларни билиб олишарди. Лекин бу фаолият ҳам жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам бермаган. Маълумотларга қараганда, ўша пайтда бир неча ўн мингга яқин фуқаро фақат ўғирлик ва талончилик ҳисобидан кун кечирган. Жиноятчилик тобора урчиб бораётгани сабабли мамлакат ички ишлар вазири Роберт Пиль ҳақиқий полиция хизматини ташкил этишга қарор қилади.

1829 йилнинг 7 декабрида ҳаво ранг фрак, қора шим кийиб олган минг нафар полициячи ўз мажбуриятларини бажаришга киришади. Уларни "боббилар" деб аташарди. Кейинчалик улардан 12 нафари махфий полиция ҳисобланган детективликка тайинланишди. Фуқароларнинг норозиликларига қарамасдан детективлар сони тез орада 24 тага кўпайтирилади. Вақт ўтиши билан ундан ҳам алоҳида бўлинма - жиноят-қидирув бўлими ажраб чиқади. Мазкур бўлим замонавий Скотланд-Ярднинг асосини ташкил қилган. Қамоқдаги жиноятчилар орқасидан кузатув олиб бориш йўлга қўйилди - детективлар уларнинг юз тузилишини эслаб қолишган ва кези келганда уларни таниб олишда иштирок этишган.

Шундан сўнг салкам бир аср мобайнида Англия полициясининг ташкилий тузилиши ва фаолият кўрсатиш усуллари деярли ўзгармаган. Шу сабабли XX асрнинг бошларигача Англия полиция идораларининг фаолияти самарасиз кечган. Чунки ўша пайтда Англиядаги жиноятчиликнинг кўрсаткичи Франциянникидан бир яримикки баравар кўп эди. Бироқ ўтган асрнинг бошларида Скотланд-Ярд томонидан жиноятларни очишнинг янги воситаларини қўллаш амалиёти шаклланади. Чунончи, 1910 йилнинг октябрь ойида Скотланд-Ярд ходимлари врач Хоули Харви Криппеннинг ишини муваффақиятли очиб берадилар. Хоули Харви Криппен ўз хотинини заҳарлаб ўлдиради ва мурдани профессионал маҳорати туфайли йўқотиб юборади. Ушбу жиноятни фош қилишда замонавий гистология методларининг қўлланилиши кейинчалик криминалистикада тамомила янги фан - суд медицинасининг жорий қилинишини келтириб чиқарди. Ўшанда тиббиёт ходими Жон Спилсбери дунёда биринчи бўлиб жиноят ишини очиш давомида эскириб қолган тан жароҳатлари соҳасидаги идентификацияси учун тўқималар микроскопиясини амалиётга татбиқ қилди. Англия криминалистикасининг гуркираб ривожланиши ўлимнинг қандай ҳолатлар ва қайси вақтда амалга оширилганини аниқлаш, қиёсий микроскопнинг яратилиши йўли билан суд баллистикасининг шаклланиши (ҳар бир қурол ўқда ўзининг такрорланмас изини қолдиради) олиб келди. Бу каби кўпдан-кўп ютуқлар Англия полициясининг мавқеини кўтариб юборди.

Ана шундай узоқ тарихга эга бўлган Англия полициясининг самарали фаолияти нафақат ўша давлат, балки бутун дунёда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноятларнинг тез ва ўз вақтида очилишига катта ҳисса қўшган. Бугунги кунда Англиянинг 39 графлигининг 24 тасида жиноятчилик кўрсаткичи Европа давлатларининг ўртача кўрсаткичидан сезиларли даражада паст экан. Бу эса англиялик полициячилар ўз тажриба ва анъаналарига содиқ ҳолда фаолият кўрсатаётганидан далолатдир.

Акмал БУРҲОНОВ,
магистр

Jahon tajribasi

Bugunning gapi

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

УНИ УНУТГАНЛАР ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛАДИ

Бирор-бир фуқаро ўз ҳуқуқларидан фойдаланганда бурчини, бурчини ўйлаганида эса ўз ҳуқуқларини унутмаслиги лозим. Зеро, ҳуқуқ йўқ жойда бурч ҳам, масъулият ҳам бўлмайди.

Бу эса ҳуқуқ ва бурч масъуляти бир-бири билан боғлиқ тушунчалар эканини кўрсатади. Бироқ айрим ҳолларда бу узвийлик унутиб қўйилаётгани ҳам рост. Гап шундаки, яқинда Бухоро вилоят транпорт прокуратураси томонидан ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш аҳволи ўрганиб чиқилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Бухоро ҳудудий маркази тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат интизоми етарли даражада йўлга қўйилмагани, ғайриқонуний ҳолатларга тегишли баҳо берилмагани ва бу ишга алоқадор бўлган жамоат ташкилотларининг олиб бораётган ишлари қониқарсизлиги оқибатида ҳар хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилиши аниқланди. Бошқача айтганда, ходимларнинг ўз ҳуқуқлари тўғрисида кўпроқ ўйлаб, жамият олдидаги бурчларини унутиб қўйганлари ҳам маълум бўлди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳудудий марказ тизимидаги корхона ва ташкилотларда 12 ҳолатда жиноят содир этилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Айниқса, ҳудудий марказ маъмурияти ва жойлардаги тизимга қарашли корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ходимлар иш фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмагани натижасида темир йўл вагонларини меъёридан ортиқ ушлаб туриш ҳоллари яширилган, давлат ва жамоа мулкини талон-тарож қилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, «Қоровулбозор» темир йўл бекати ҳисобчиси Жамила Тоҳирова Бухоро нефьтни қайта ишлаш заводи транспорт цехининг бошлиғи Ражаб Назаров билан жиноий тил бириктириб, юк хатидаги санани сохталаштириб, 552 соат мобайнида вагонлар ортиқча турганини ҳисоботдан яшириб, ўз бурчини суиистеъмол қилиш орқали ҳудудий марказга 394.125 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бухоро вилоят транспорт прокуратруаси томонидан айбдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 170 моддаси 2-қисми "б"банди, 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноий ишлар бўйича Қоровулбозор туман судининг ҳукми билан улар жиноий жавобгарликка тортилган. Етказилган зарарни ундириш борасида даъво аризаси кўзғатилиб, ҳудудий марказ фойдасига қаноатлантирилган.

Фуқаро Комил Эргашев темир йўл бекатида 1999 йилдан буён юк қабул қилувчи ва топширувчи вазифасида ишлаб, Бухоро нефьтни қайта ишлаш заводида вагон цистерналарнинг муддатидан 1305 соат ортиқ ушлаб туриш ҳолатларини атайин яшириб келган. Оқибатда у ҳудудий марказга 1 млн. 174 минг 376 сўм миқдорда зарар етказган. Унга нисбатан ЖКнинг 170-моддаси 2 қисми "б", "в" бандлари билан жиноий иш қўзғатилиб, ушбу жиноий ишни кўриб чиқиш ва етказилган зарарни айбдор шахсдан ундириш учун жиноий ишлар бўйича Қоровулбозор туман судига юборилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, «Қоровулбозор» темир йўл бекатида вагонларни меъёридан ортиқча ушлаб туриш ҳолатларини ҳисобдан яшириб, давлатга катта миқдорда моддий зарар етказилаётганидан темир йўл бекати бошлиғи И. Фармонов бехабар бўлганми?

Фуқаро Исроил Ҳасанов 9-сонли Навоий темир йўл таъмирлаш корхонасининг ёрдамчи хўжалигида бошлиқ муовини вазифасида ишлаб, корхона маъмуриятининг бўшанглигидан фойдаланиб, ёрдамчи хўжаликка тегишли молларни сотиш, алмаштириш йўли билан толон-тарожга ружу қўйган. Натижада корхонага 2 млн 340 минг 254 сўм миқдорида моддий зарар етказган. Айбдор И.Ҳасанов ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми ва 3-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган. Унинг қилмишларига 9-сон Навоий темир йўл таъмирлаш корхонаси бошлиғи Ш. Эрназаровнинг "томошабин" бўлиб қараб тургани ажабланарли ҳол.

Навоий шаҳрида фаолият кўрсатиб келган 9-сонли Навоий йўл масофаси корхонаси омбор мудири И.Эргашев эса ўз жавобгарлигидаги товар-моддий бойликларни 2000 йил 29 декабр ҳамда 2001 йил 17 май кунидаги далолатномаларга кўра асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб, корхонага 450.345 сўм моддий зарар етказган. Бу корхонада темир йўл устаси вазифасида ишловчи Дамир Киркинбаев ҳам маъмурият томонидан назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб, ўзининг жавобгарлигида бўлган товар моддий бойликларни ҳисоботида 2001 йил 28 октябр кунида ПМС-274 сонли корхона бош муҳандиси Б.Алиев, ПМК-279 сонли корхона прораби П. Жумагалиев билан решеткалар алмаштирилгани тўғрисида далолатнома тузиб, ушбу далолатномага асосан 1750 метр рельс ва 1955 дона шпалларни бериб юборган. Д.Киркинбаев ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

"Қизилқудуқ" темир йўл бекати бошлиғи Бозорбой Бобожоновга 2000 йил 10 январдан эътиборан хазиначи ўзига юклатилган вазифани суиистъемол қилган ҳолда 2000 ва 2001 йиллар давомида бекат ишчиларининг иш ҳақларини олиб келиш учун йўл ҳаражатларини рўкач қилиб, 19 нафар ишчининг ҳар биридан 150 сўмдан 300 сўмгача, жами 46.800 сўмни қонунга хилоф равишда олиб қолган.

Умуман, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Бухоро ҳудудий маркази тизимидаги корхоналарда кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда қатъий интизом ўрнатилмагани оқибатида хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш, ишончни суиистъемол қилиш, ўзибўларчилик ва хўжасизлик иллатлари урчиб кетган. Ўз зиммасидаги масъулиятга лоқайд қараш жуда катта моддий зарарга олиб келишини қўйидаги мисолда ҳам кўрса бўлади. 9-сонли Навоий темир йўл таъмирлаш корхонаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмон Эрматовга Навоий темир йўл бекатидан «Қизилқудуқ» темир йўл бекатининг 241 км.гача масофадаги темир йўлларни таъмирлаш ишларини бажариш вазифаси юклатилганига қарамасдан, хизмат вазифасига панжа орасидан қараб келган. Оқибатда поезд «Конимех» темир йўл бекати билан 138-раъезд оралиғининг 60 километридан ўтаётганида 4-пикет темир йўлнинг уланган жойидаги иккита больт йўқлиги туфайли 26 та цистерна издан чиқиб кетиб, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК сига 17 млн. 616 минг 335 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Бу каби ўзибўларчилик, жавобгарликни ҳис этмай қонунга хилоф иш тутиш ҳолатларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундай ғайриқонуний ҳолатлар "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Бухоро ҳудудий маркази ва шу тизимдаги корхона ҳамда ташкилотлар маъмуриятлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг қониқарсиз аҳволдалигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ўзибўларчиликка берилиб кетилгани, давлат мулкини талон-торож қилувчиларга шароит яратиб берилаётгани шундай оқибатларни юзага келтираётир. Афтидан, уларга "биродар, ҳуқуқингизни билар эксанси, лекин жамият олдидаги бурчингизни унутманг", деб айтадигани киши топилмаган кўринади.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қўл урганлар раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатиб келган шахслардир. Модомики, улар ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйиб, қинғир ишларга қўл урган, бурч маъсулиятини унутиб қўйган экан, эл назаридан қолиб, суднинг қора курсисида ўтиришга маҳкумдирлар.

С. УМАРОВ,
ҳуқуқшунос

Mushohada

ҲАСАД — ҚАЛБ ОФУСИ

Кишилик жамиятида маънавий-маърифий тарбияга жиддий эътибор берилмаса, кишиларда руҳий инқироз кучайиб, турли нохуш ҳолатларни юзага келтиради. Шунинг учун маънавий камолот деганда айнан инсон руҳияти ва қалбини маънавий иллатлардан поклаш ва халос этиш тушунилади. Бинобарин, инсон қалби жуда нозик ва сирли хилқат бўлиб, ҳар қандай руҳий ўзгариш бевосита у билан боғлиқ экани илм-фанда аллақачон исботланган. Шу боис руҳшунос олимлар қалбни ўрганиш ва тадқиқ қилиш жуда мураккаб соҳа эканини эътироф этишган. Инсон қалбининг ҳасад билан боғлиқ ҳолатини таҳлил қилганда аввало бунинг қай тарзда пайдо бўлишини диққатдан қочирмаслик керак.

Ҳасад кишида ўзганинг молмулки ёки бирон-бир ортиқча фазилатига нисбатан уйғонган ҳиссий васваса бўлиб, ундан шу афзал хусусиятларнинг олиниб, ўзига берилишини хоҳлайди ва шундай бўлиши учун ҳар хил чораларни излайди. Ҳаёт ҳаммага ҳалол неъмат ёки фазилатни баробар ва бир хил қилиб бермаган. Бунга ҳасадчи тўғридан-тўғри эриша олмаслигини билгандан кейин фирибгарлик, товламачилик, ўғрилик ёки босқинчилик сингари қинғир йўллар билан етишишни кўзлайди. Ана шу тарзда ҳасад ноҳақлик ва зулмни келтириб чиқариб, кишилар орасига адоват уруғини ташлайди.

"Одамлар одатда ўзларига насиб қилганидан роҳатланмай, насиб этмаган нарсалар хусусида оҳ чекадилар", деган экан бир файласуф . Демак, инсон учун ҳар доим ҳам ҳамма нарса етарли ва тўкин-сочин бўлавермайди: биров бой, биров камбағал, биров исътедодли, биров истеъдодсиз. Ҳар ким ҳар хил табиат ва хулқ-атвор билан яратилганки, ҳар қайсида бошқаларда мавжуд бўлмаган ўзига хос афзалликлар учрайди. Диний манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳасад Одам фарзандларига Шайтондан мерос бўлиб ўтган. Ривоятларда одамзот ер юзида тарқалгандан сўнг Қобил укаси Ҳобилга ҳасад қилиб, уни ўлдириб қўйган. Чунки у укасида ўзига нисбатан ортиқча фазилатни кўрган ва бунга уни қатл қилиш билан эришаман, деган нотўғри хаёлга борган. Ҳасадгўй кишининг ҳулқ ва табиати тадқиқ қилинса, унинг қалбида ҳасад ўти ёнганда, инсонга хос ҳузур-ҳаловатни унутиб қўяди ва бировнинг арзимас ютуғини кўрганда ҳам ич-этини ейди. У ҳеч қачон бағрикенг ва самимий бўла олмайди. Шунинг учун ҳасадгўйлик инсонни ношукрликка ундаш билан бирга кўзланган мақсадга эриша олмаса, унга бошқалар айбдор деган тасаввур ҳосил қилади. Бир ҳадиси шарифда "Ҳасад яхшиликларни худди олов ўтинни егандек ейди", дейилган. Шундан ҳам кўринадики, ҳасад кирган қалб яхшиликлардан узоқлашиб, уни ёмонлик ва адоват уруғи эгаллаб олади. Руҳшунос олимлар ҳасад асосан икки кўринишда намоён бўлишини аниқлашган экан. Биринчиси, қариндош-уруғларнинг бир-бирига ҳасад қилиши бўлса, иккинчиси, кўпроқ бир хил касб-ҳунар билан машғул кишиларнинг бир-бирига ҳасад билан қараши шундай ҳолатлар сирасига киради. Қариндош-уруғлар ўртасидан инсоф ва меҳр-оқибат кўтарилган бўлса, ҳатто ака-ука ва опа-сингил ҳам бир-бирига ҳасад қилиб яшайди. Бунга ҳаётда мисоллар кўп учрайди. Арзимас баҳона ва жанжал оқибатида бир-бири билан юз кўришмас бўлиб қолган туғишганларнинг орасига нифоқ нимадан тушган деб ўйлайсиз? Бунга оддийгина ҳасад қилиш эканини билганда ёқа ушламасдан бошқа илож қолмайди. Масалан, тижоратчи, тикувчи, этикдўз, нонвой, олим ва бошқалар қариндошлардан фарқли равишда, кўпинча бир-бирига рақобат ва манфаат юзасидан ҳасад қилиши ҳам мавжуд экан. Лекин бошқа-бошқа касб эгалари, яъни тижоратчи этикдўз, олим нонвой бир-бирига ҳеч қачон ҳасад қилмас экан. Чунки иккиси ҳам бир-бири билан рақобат ва манфаат жиҳатидан тўқнаш келмайди. Чунки бир касб эгаларининг ҳасад қилишига сабаб шуки, бирининг "нони"ни бири "туя" қилиши мумкин. Бу эса ҳар қандай кишига ҳам ёқмаслиги аниқ. Бир ривоятда ҳеч қачон бировга нисбатан ҳасад қилмайдиган кишининг у дунёда ҳам юксак мартаба-даражага эга бўлиши келтирилган. Бир куни Пайғамбар алайҳиссалом саҳобалар билан ўтирганларида ҳозир олдингизга бир жаннатий киши киради, дедилар. Бунга ҳамма ким экан, дегандек ҳайрон бўлди. Шу пайт пойафзалини чап қўлида кўтариб олган оддий бир киши чиқди. У салом бериб, қавм билан бирга ўтирди. Эртаси куни яна шу гапни айтдилар: тағин ўша киши кўринди. Учинчи куни ҳам шундай бўлди. Абдуллоҳ ибн Амр деган саҳобий киши у билан қизиқиб қолди ва унга "отам билан менинг орамдан гап қочиб қолди. Унинг олдига уч кун кирмасликка қасам ичдим. Сен менга уйингдан уч кун жой берсанг, қасамимни ўтказсам", деди. Ҳалиги киши хўп, деди. Абдуллоҳ уникида бир кеча ётди. Ўша кечаси ҳалиги одамнинг ортиқча ибодат қилганига гувоҳ бўлмади ва бундан таажжубланди. У кишини уч кун кузатди. Уч кун ҳам аввалги кундагидек амал билан чекланди. Шундан кейин Абдуллоҳ унга отаси билан орасида ҳеч қандай гап-сўз ўтмагани ва қасам ҳам ичмаганини айтиб берди ҳамда унинг кўп амал қилмаганининг боисини сўради.

Шундан у "кўрганингдек, мен бундан кўп амал қилмайман. Аллоҳ таоло кимга яхшилик қилиб, берган нарсаларига ҳасад ҳам қилмайман," деган экан. Шу хислат уни улуғ мақомга етказган экан.

Шу ўринда шўро тузуми даври ва ҳаётига назар ташласак, унда ҳасад ҳаддан ташқари кучайгани ва бунинг эса халқимиз маънавиятига қаттиқ зарар келтирганини пайқаб олиш қийин эмас. Айниқса, 20-30-йиллар арафасида кишилар ўртасида ихтилоф кучайиб, бир-бирига нисбатан ҳасад ва адоват шу қадар авж олганки, бировнинг озгина мол-мулки бўлса, дарҳол унинг устидан тегишли идорага арз-шикоят қилишган. Шунинг учун бой ва ўрта ҳол тоифалар камайиб, ҳамма бароварига камбағал ва қашшоқлик ҳолатига тушиб қолган. Ўша даврда ҳасад қанчадан-қанча аҳил ва иноқ оилаларни бузиб, ҳар тарафга тўзитиб юборган. Мустақиллик бундай номаъқулликларга чек қўйди. Эндиги даврда одамларнинг онг-фикр даражаси ҳам ўзгариб, оқуқорани, яхши-ёмонни таниб бормоқда. Кимки ҳалол меҳнат қилиб, бойлик тўпласа ва буни яхшиликка сарфласа унга ҳеч ким ҳасад қилмайди. Лекин ҳали ҳам бу иллатдан бутунлай қутула олмаганимиз туфайли турли жиноят ва кўнгилсиз воқеалар ҳам баъзан-баъзан учраб туради. Ҳасад худди кўркам ва бақувват дарахтларга тушган зараркунанда қуртга ўхшайди. Боғбон қуртни ўз вақтида дори воситасида йўқотиб турмаса, қурт дарахт пўстлоғи орасига кириб, бақувват танани илматешик қилишга тушади. Боғбон лоқайдлик қилиб, бунга етарли қадар эътибор бермаса, дарахт ташқаридан соғлом кўрингани билан ич-ичидан чириб бораётган бўлади. Салгина шамол қўзғалиши билан у қулаб тушади. Ҳасад инсон танасини худди шу дарахтга ўрнашиб олган қурт каби емиради ва охир-оқибат уни маҳв этади. Ҳасад инсон табиати ва хулқига ёт иллат экани аниқ бўлса-да, бироқ айрим кишилар ундан ўзини тия олмайди. Охир-оқибат бунинг зарари ўзига ургандан кейин афсус-надомат қилишдан фойда йўқ. Шунинг учун бировнинг ютуғини кўрганда унга тўқ назар билан қараб, уни жуда кам деб билган маъқулроқ ва унга берилган неъмат ёки бирон ортиқча фазилат бежизга берилмаганини фикрдан ўтказган энг тўғри йўлдир.

Бобомурод ЭРАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat va jazo

ЭГРИЛИКНИНГ МАНЗИЛИ

Ҳалим Ҳожиохунов ҳеч қаерда ишламас, аниқроғи, ишлашга бўйни ёр бермасди. Шу боис у ёшлигидан текинхўрлик, безорилик, ўғирликни одат қилди. Аёнки, бундай ҳаракат кишини янада каттароқ жиноят қилишга ундайди. Саёқ юрган Ҳалим гиёҳвандликка ружу қўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Натижада қамалиб ҳам чиқди. Бироқ "у ёқда" ҳам эси кирмади...

Ота-она учун ҳар бир фарзанди азиз. Шунинг учу улар "ўз йўлини топиб олар" деган умид билан Ҳалимни уйлантиришди. Аммо у арзимаган нарсаларни баҳона қилиб ота-онаси, сингиллари, хотини Муҳайё билан жанжал қилишни қўймасди. Шундай қилиб, оилада бундай дилхариликлар одатий ҳолга айланиб қолди. Ота-она, ака-ука, сингиллар нима қилишларини билмас, чунки бировга шикоят қилайин деса, Ҳалим ҳам ўз жигарлари. Айниқса ота-она ўғлининг ҳар бир қилиғидан озорланар ва бир-бирига сабр-тоқат тилашарди. Барча оила аъзоларининг кўнглида бир ният бор эди: бир куни инсофга келар. Барибир ундай бўлмади, унинг жанжалу дилозорликлари тобора кучайиб бораверди. Оқибатда оиладаги тотувсизликдан безган Муҳайё ота-онасиникига кетиб қолди.

Баъзи пайтларда Ҳалим ҳатто ота-онасини ҳам танимай қолар, уларга қўл кўтариб, калтаклашгача борар, сингиллар эса қўшнисиникига қочиб қутулишар эди. Қиш кунларининг бирида қўшни маҳаллада яшайдиган укаси Абдулҳафиз эрталаб ота-онасидан хабар олгани кирди-ю, яна жанжалнинг устидан чиқди. Ҳалим бир-икки трубани аравага ортиб, ўғай опаси Мукаррамхоннинг уйига олиб чиқиб кета бошлади. Отаси унга "кейин аравани қайтариб чиққин", деди-ю балога қолди. Ҳалим яна "тирноқдан кир" топган эди. Югуриб келганча отасининг юзига тарсаки тортиб юборди. Баҳона эса "сен нега менинг ишимга аралашасан" деган гап бўлди. У отасининг дуч келган жойига тепа бошлаганди. Ногаҳон биқинига тушган тепкидан ота йиқилиб тушди-ю, ҳушидан кетди.

— Отангни нега урасан, кўрнамак, — деб югуриб келиб, унинг қўлларига ёпишган онаизор ҳам чинқирганча йиқилиб, ҳушидан кетди.

Буларни кўриб, Абдулҳафизнинг ғазаби қўзиди, албатта. "Ахир, ўз акаси ота-онасига шунча азоб берадими?!" У ҳам Ҳалим билан олишиб кетди. Аммо бир ўзининг кучи етмасди. Шу пайт қизлари юзига сепган муздек сувдан ўзига келган отаси ўрнидан туриб келди-ю, Абдулҳафизга ёрдамга шошилди. Ота-бола Ҳалимнинг оёғини ип билан боғлаб ташлашди.

— Ҳаммангни ўлдираман, қонингни ичаман. Мен ўтириб чиққанман, шунинг учун турмадан қўрқадиган жойим йўқ... — дея бақирарди у. Шу вақт кутилмаганда ота-онаси ва сингилларининг доимий хўрланишу ҳақоратланишларидан тўйган Абдулҳафизнинг кўзига қон тўлди. Беихтиёр омборхонадан темир болғани олиб чиқди-ю, акасининг бошига бир-икки туширди. Бу пайтда Абдулҳафизнинг кўз олди қоронғилашган ва ҳеч нарсани кўрмасди гўё...

Ўзига келганда эса акаси қонга беланиб ётар, аллақачон жони узилган эди. У ҳеч кимга ҳеч нарса демай қишлоқ милиция пунктига чиқиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Шундай қилиб, ситам жонидан ўтган ука ўз акасининг қотилига айланди. Терговчи уни Жиноят Кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан айблаб, ишни судга оширди. Ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди вакиллари оиладаги муҳит, Ҳалим Ҳожиохуновнинг ўтмиши-ю, ота-онаси, сингилларига ўтказган зулму ситамларни обдон ўрганишди. Бундай зулму ситам, хўрлашлар узоқ вақт давом этганини барча гувоҳлар тасдиқлашди. Қотилликда айбланаёган Абдулҳафиз Ҳожиохунов марҳум акасининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ота-онасини ҳимоя қилгани, ўша дамда қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлгани, аслида акасини қасддан ўлдирмагани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилиб, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмидан 98-моддасига қайта малакаланиб, шу моддада кўзда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилди ва унга қонуний жазо тайинланди. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз аппелляция ажримида ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qing`ir ishning qiyig`i

ХАВФЛИ "КАШФИЁТ"

ЁХУД ДАВЛАТ МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ХУСУСИДА

Пайариқ туман ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази бошлиғи Қосим Ботиров курсида ястаниб олганча хаёл сурар ва шу вақтга қадар нега тузукроқ "иш" қилолмадим, деган маънода куюнарди. Чунки ҳамма нарса қўлида бўлса, ходимларга бир ишора қилса — бас, нимани хоҳласа, кўз очиб юмгунча бажо қилишади. Мансаб дегани ҳам бахт қушига ўхшайди. Кимнинг бошига бир марта қўнса, бошқа қўниши даргумон. Шунинг учун тезроқ отни қамчилаб қолмаса, кейин кеч бўлиши мумкин. У шундай хаёллар оғушида сармаст одамдай тебранаркан, бирдан хаёлига лоп этиб бир фикр урилди ва худди қадимда ўтган Архимед деган олим оламшумул кашфиёт яратганда қувонганидан "Эврика!" деб бақирганига ўхшаш бақирмоқчи эди-ю, бироқ ўзини зўрға тийди. Дарҳол ўрнидан туриб ишга киришди. Хонада у ёқдан бу ёққа юриб, "кашфиёт" сирларини обдон ўйлар, уни амалга ошириш режасини тузарди. Туман "Қишлоқхўжаликимё"нинг ҳосилоти Бекпўлат деган чаққонгина йигитни кўз олдига келтирди ва эплайди деган маънода бошини қимирлатиб қўйди.

Дарҳол уни олдига чақириб, аввал бошдан-оёқ разм солиб, кейин гапни узоқдан бошлади:

— Укагинам, бир иш бор. Шуни бирга уддалай олсак, ошиғимиз олчи деявер, албатта сен ҳам қуруқ қолмайсан.

Ҳосилот ҳам унинг нима демоқчи эканини билгандек кўрсатиб:

— Сиз билан ҳамкорлик қилиш биз учун шараф. Биз доимо ҳозир-у нозир, — деди қувлик билан.

Унинг бу гапини директор ҳам маъқуллади ва унга шу кунларда нима иш қилиш кераклигини бирма-бир тушунтирди.

Иккиси биргаликда ўйлай-ўйлай охири режани амалга оширишга "Навбаҳор" ширкат хўжалигини танлашди. Шу хўжалик тинчроқ ҳамда бош ҳисобчиси Баҳодир ҳам илгаридан кўзга яқин одам дейишди. Чунки шундай қилинмаса, чув тушириб қўйишлари ҳеч гапмас. Шерик биттага кўпайса ҳам, "кашфиёт"ни ими-жимида — бегона кўзлардан панада уддалаган маъқулроқ. Ҳозир замон ҳам нозик. Салгина хатогни илғашса бас, кавлаштириб топмагунча ҳоли-жонингга қўйишмайди. Бекпўлат ҳеч қанча вақт ўтмасдан "кўзга яқин одам" билан тил топиб улгурди ва директор таклиф этган "кашфиёт" сиридан уни ҳам воқиф қилди. Баҳодир ҳам бундай ишларга суяги йўқлигини ва фақат буни мавсум ўтмай туриб амалга ошириш айни муддао эканини яшириб ўтирмади. Хуллас, битим тузилиб, Бекпўлат «кашфиётчи»ни хурсанд қилиш учун шошилди.

Марказ бошлиғи ўйлаб топган "кашфиёт"ини 2000 йилнинг март ойида амалга оширишни мўлжаллади. Айни баҳор кунлари буғдойзор далаларга ўғит бериш палласи энг қулай фурсат эканини диққатдан қочирмади. Ҳе йўқ, бе йўқ, директор хонасида қўлига қалам олиб, хаёлида "Навбаҳор" ширкат хўжалигига қарашли 660 гектар ғаллазор майдонига 55 маротаба самолёт учириб, "селитра" сепиш режасини бажарди. У ёқда эса бош ҳисобчи буни сирли равишда далолатномага белгилаб қўяверди. Энг қизиғи, навбатдан ташқари учган самолётлар 1.040.228 сўмлик ишни бажариб қайтаётганда барча сарф харажатларни тўғридан-тўғри уч шаввознинг чўнтагига ташлаб ўтишарди. Шундай кенг қўламли "парвоз"лардан бирини 2000 йил 30 март куни амалга оширишди. Бу парвоз тоғида АН-2 русумли самолёт 32 марта ердан осмонга кўтарилиб, очкўз чўнтакларни 591.522 сўм билан сийлади. 2000 йил 30 апрел куни махсус ишларни амалга оширувчи авиакомпанияга қарашли самолётлар 94 марта «парвоз» айлаб, 752 гектар ғалла майдонни ўғитлаб чиқишга «улгурди». Бунинг натижасида 1.357.500 сўмлик «сарф-харажат» қалбаки далолатномалар воситасида ширкат хўжаликдан ундириб олинди. Баҳор мавсуми тугаб, самолётлар кейинги мавсумга қадар ёз иссиғида "дам олди". Ўша йилнинг октябр ойида парвоз учун шайлаб қўйилган самолётлар марказ бошлиғининг хуфиёна буйруғига биноан "Навбаҳор" ширкат хўжалигининг 120 гектар пахта майдонида ғўза баргини сунъий тўктириш учун 657.670 сўмлик "хизмат кўрсатди". Бу ҳам сохта далолатнома орқали тасдиқланди.

Бундай "кашфиёт" усули кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Иш шу даражага етдики, Қосим Ботиров раҳбарлиги остида амалга оширилган "кашфиёт" сирларини «кашф этиш» учун тегишли идора мутасаддилари ҳам шуғуллана бошлашди. Улар ушбу «кашфиёт»нинг хавфли жиноят усули эканини аниқлашди. Шу боис «кашфиёт»чилар устидан жиноий иш қўзғатилди. Жиноий иш қўзғатилгандан кейин уч "шаввоз" ҳам айбига иқрор бўлиб, суд мажлисида кечирим сўради. Суд ҳукмига кўра учови ҳам ўз мансабидан бўшатилди ва келтирилган зарар ундириб олинди.

Қиссадан ҳисса шуки, қинғир ва ғирром йўлни танлаб, барака топаман, бирим икки бўлади, деганлар қаттиқ адашди. Бундан ташқари, узоқ йиллар давомида орттирган қадр-қиммати, обрў-эътиборини ҳам озгина вақтда бой бергандан сўнг эл орасида бош кўтариб юришнинг ўзи бўладими? Шуниси бизни кўпроқ ўйлантиради.

Норкамол ТОШМУРОДОВ,
Пайариқ тумани

Taajjub

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ (МИ?)

Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол ривожланишига ғамхўрлик қилинмоқда. Бироқ барча жойлардаги мактабгача тарбия муассасалари, болалар боғчаларидаги аҳволни бир хил деб бўладими? Афсуски, бу саволга жўяли жавоб бериш қийин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин эдими? Мумкин эди, фақат қуйидаги каби бошбошдоқликларнинг олди олинганида. Аниқланишича, Зафаробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчаларига мазкур муассасаларни бюджет томонидан белгиланган меъёр асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ларнинг ҳисоб рақамларига 2001 ва 2002 йил январ, феврал ойлари учун жами 27610000 сўм ўтказиб берилган. Бироқ бу пул маблағлари ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўлланиб, штатсмета интизомини бузган ҳолда мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилган. Бу ҳаракатлари билан туман ХТБ бош ҳисобчиси Ўктам Маҳмудов ва озиқ-овқат бўйича масъул Қиличбой Бердаковлар мурғак қалбларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлишган.

Натижада туман ХТБга қарашли болалар боғчаларига 2001 йил давомида 14189000 сўмлик меъёр бўйича бериладиган, яъни 1415960 сўмлик 40456 дона тухум, 1969500 сўмлик 1515 килограмм сари ёғ, 7302504 сўмлик 6116 килограмм гўшт, 28073000 сўмлик 17382 литр сут, 36300 сўмлик 50 кг чой озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган меъёр кам берилишига йўл қўйилиб, мақсадсиз сарф қилинган.

Бундан ташқари, 2002 йилнинг январ, феврал ойлари давомида 10320 сўмлик 761 дона нон, 122863 сўмлик 617 килограмм макарон, 225992 сўмлик 1066 килограмм картошка, 303996 сўмлик 588 килогармм гуруч маҳсулотлари белгиланган меъёридан кўп бериб юборилган.

Меъёр бўйича бериладиган 669000 сўмлик 223 килограмм сариёғ, 778140 сўмлик 4323 литр сут, 3073000 сўмлик 3073 дона тухум, 849750 сўмлик 515 килограмм гўшт маҳсулотлари эса белгиланган меъёридан кам берилишига йўл қўйилган.

Шу ўринда беихтиёр "наҳотки, бюджетнинг миллионлаб пул маблағлари ноўрин, самарасиз, мақсадсиз, меъёрсиз ишлатилса-ю, халқ таълими бўлими мудири мамлакатимизнинг эртаси, келажаги бўлган болаларга ажратилган мақсадли маблағнинг мақсадсиз ишлатилишидан бехабар бўлса", деган савол туғилади. Қолаверса, туман ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар, вилоят халқ таълими бўлими бошқармасидан ҳар ойда бир марта келадиган вакилларнинг ҳам бу ишлардан "бехабар"лигидан ажабланасан киши. Ёки улар ҳам "алдагани бола яхши, у кулчасининг "туя" бўлганини билмайди", деб хурсанд юришганмикан?

О. ХУДОЙҚУЛОВ,
Зафаробод тумани

ЭЪЛОН

Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси Б. Юсуповга берилган 000075-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг буйруғига асосан бекор қилинди.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифалан- ди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.